O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

30 (299) ● 2014 йил 6 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz  Тахририят — www.milliytiklanish.uz  2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган


Пойтахтимиздаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига келган киши атрофдаги орасталик, мусаффо ҳаводан тани яйраб, бадантарбия қилиш, спорт билан шуғулланиш учун ўзида куч-ғайрат сезади



6 ЖАРАЁН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, сайёрамизда йилига 130 минг нафарга яқин инсон ички аъзолари қайта кўчириб ўтказилади. Бундай жарроҳлик амалиётига муҳтожлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётир



7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Миллий халқ ўйинлари фарзандларимизни чаққон, эпчил, зийрак, кучли, ғайратли қилиб тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда, мазкур ўйинларнинг турли хатти-ҳаракатлар, қўшиқлар, шеър ва рақслар билан ижро этилиши болаларнинг ижодий қобилиятини чарxлаб, тафаккури бойишига хизмат қилади



8 КЎЗГУ




## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Пленум



## Мақсад ва вазифаларимиз

**мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва муҳим синовдан муваффақиятли ўтишга қаратилмоғи лозим**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг XIII пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2014 йил биринчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда жорий йил декабрь ойида парламент қуйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ҳамда партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.***

Йиғилишда партия фаолияти таҳлил қилинар экан, иштирокчилар эътибори партия ишини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш, айниқса, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими ҳамда партияларaро рақобатни кучайтириш, жорий йилда сиёсий партиялар учун муҳим синов — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва муносиб иштирок этишга қаратилди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Партиямиз Марказий Кенгаши пленуми мамлакатимизда Мустақиллик байрамига пухта тайёргарлик кўрилаётган, шаҳар ва қишлоқларимизда бекиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган шукуҳли кунларда бўлиб ўтмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда барча давлат ва нодавлат ташкилотлар қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг турли даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солишмоқда. Шу муносабат билан партия Марказий Кенгаши ва фракциясининг иш дастури қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, қисқа фурсат ичида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида асрларга татигулик улкан ишлар ва ислоҳотлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Эришилган натижалар замирида эса доимо миллий манфаатларимизни кўзлаш сиёсати мавжуд.

2-бет

Қонун кучга кирди

## Экологик назоратни кучайтириш

**атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашнинг муҳим омилидир**

***Мамлакатимизда экологик муҳитни асраб-авайлаш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, шунингдек, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши аъзолари, партия гуруҳлари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан ҳам қатор таклифлар берилган эди. Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, самарали жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга янада кенгроқ жалб қилишга қаратилган нормалар акс этган. Бу, ўз навбатида, партия гуруҳлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.***

Қонунда белгиланган тартиб-таомиллар ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг эконазорат йўналишидаги имконият ва ҳуқуқлари янада кенгайишига хизмат қилади. Унинг "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида"ги 16-моддасида юқоридаги ташкилотлар "махсус ваколатли давлат органларига, хўжалик юритувчи субъектларга давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда ўз вакилининг кузатувчи сифатида иштирок этиши тўғрисида таклифлар киритиш" ҳуқуқига эга бўлгани соҳадаги камчиликларни бартараф этишда катта имкониятлар яратиши шубҳасиз.

4-бет

Электорат минбари

## Таълим соҳаси вакиллари манфаати

**янги сайловолди Платформада ҳам изчил ифода этилиши тарафдоримиз**

***Тинч ва фаровон юртнинг фарзандлари бахтли, келажаги порлоқ, иқболи баланд бўлиши бугун мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлод ютуқ ва натижаларида яққол намоён бўлмоқда. Уларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда таълим тизимининг миллий модели юзага келиб, умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими беришни назарда тутадиган 9+3 тизими жорий этилди.***

Мен ҳам нурафшон юртнинг бахтли фарзандларига сабоқ бериб, ўқитувчилик касби масъулиятини оқлашга ҳаракат қилиб, фаолият юритиб келяпман. Юртимизда ёшларга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқувчиларимни ҳам бу эзгу ишга даъват қиламан. Бир зиёли сифатида сиёсий партиялар фаолияти билан ҳам мунтазам танишиб бораман. Гарчи партия аъзоси бўлмасам-да, зиёлилар, халқ таълими ходимларини ўз электорати сафига киритган "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишга ҳаракат қиламан. "Миллий тикланиш" газетаси орқали эса партия ва партиядан сайланган депутатлар фаолиятидан хабардор бўлиб бораман. Партия ўтган сайловларга киришдан олдин халқ таълимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг илмий зиёлиларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Бу борада ЎзМТДП томонидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилганидан ҳам хабаримиз бор. Жумладан, таълим соҳасига қаратилган қонунчилик ташаббуслари, тарғибот тадбирлари, шунингдек, битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида партия ва депутатлар ташаббусларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловда ҳам ЎзМТДП таълим соҳасини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни асосий мақсад ва вазифалари сирасига киритади, деб умид қиламиз ва партиянинг янги сайловолди Платформасида бу соҳада аниқ ва халқчил ғоялар илгари сурилиб, ҳаётга татбиқ этилиши тарафдоримиз.

**Гўзал ЭРГАШЕВА,**
**Жиззах туманидаги**
**16-умумтаълим мактаби**
**ўқитувчиси**

Депутатлар фаолиятидан

## Сайловчилар ишончини оқлаш

**депутат зиммасидаги асосий вазифа**

4-бет




Ташаббус ва натижа

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизларимизни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида, ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг ўқиб-изланиши, ўз истеъдод ва маҳоратини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Зеро, улар ўз ғайрат-шижоати, ақлу-заковати, ижодий салоҳияти билан озод ва обод юртимиз шуҳратини дунёга намоён этувчи эртамиз эгаларидир.***

## Партия гуруҳи фаоллиги

**натижасида Нурота туманида махсус "Ўқув маркази" ташкил этиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида қарор қабул қилинди**

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, эркин фикрлайдиган, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4-бет




"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

*Нашр кўрсаткичи — 158*




Пленум



# Мақсад ва вазифаларимиз

**мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва муҳим синовдан муваффақиятли ўтишга қаратилмоғи лозим**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз: "Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки, аввало, ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир", деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Масала моҳиятига шу нуқтаи назардан қарасак, мамлакатимизнинг миллий тикланиши, энг аввало, миллий манфаат сифатида майдонга чиқади.

Дарҳақиқат, мустақиллик, энг аввало, халқимизга озод ва фаровон ҳаёт, буюк келажакка ишонч туйғусини инъом этиб, асрий орзу-умидлари ушалиши, қадр-қимматини англаб, ўз тақдирини ўзи белгилаши учун тенгсиз имконият яратди. Истиқлол йилларида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари дадил қадамлар ташланди. Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик, тинч ва фаровон ҳаёт, халқимизнинг ўз турмушидан рози бўлиб яшаши замирида истиқлол берган имкониятлар мужассамлигини бугунги кунда юртдошларимиз кайфияти, юзу кўзлари, қолаверса, ҳар бир соҳада яққол кўриш мумкин.

Мустақил тараққиёт йилларининг ўтган қисқа даври мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Бугун мамлакатимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб, халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги юксалиб, фуқаролик масъулияти ошиб бораётганини бутун дунё тан олмоқда.

Албатта, бу каби ўзгаришлар, ютуқ ва натижалар ўз-ўзидан, осонликча қўлга киритилгани йўқ. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнларида мамлакатимиз миллий манфаатлари, инсон омили олий қадрият сифатида ислоҳотлар марказига қўйилди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, деган тамойил устувор вазифалардан бирига айланди.

Истиқлол берган улкан имкониятлар ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шарти бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Ўтган йигирма уч йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар соладиган бўлсак, истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланиб, мустақиллик йилларида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастури, энг аввало, миллий манфаатларимизга хизмат қилувчи стратегия сифатида майдонга чиқди. Юртимиздаги кенг миқёсли ўзгаришлар халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи ва анъаналари, мустақиллик шарофати билан ўзгариб бораётган тафаккури ва дунёқараши, бунёдкорлик салоҳиятидан куч олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳамда ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг босқичма-босқичлик тамойилига тўла жавоб берадиган тарихий ҳужжатдир. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг истиқлол йилларида тўплаган сиёсий тажрибасига ва мавжуд имкониятларига ҳамда энг муҳими, амалий фаолиятига билдирилган катта ишончнинг маҳсулидир.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз лозим. Шу боис Президентимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" деб номланган маърузаси жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этиш йўлида янги уфқларни белгилаб бериши билан муҳим аҳамият касб этди. Ушбу концепция тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олди.

Ўзбекистоннинг янги халқаро шароитларда ва геосиёсий воқеликда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий қадамларининг тактик ва стратегик мақсадлари ҳамда вазифалари замирида ривожланишнинг умумий мафкураси ва кенг қамровли дастури мавжуд. Шу боис Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги - умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат ўзини батамом оқлади. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланиши миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни асрабавайлаш, бугунги мураккаб халқаро вазиятда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишларимизни янги босқичга кўтариш, фуқаролар онгига Ватанпарварлик ҳиссини сингдириш, уларни шу юрт учун дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундаш саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб **"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!"** шиори остида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга асосан, партиямизнинг барча даражадаги ташкилотларида тарғибот тадбирлари, акция ва форум, учрашув ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Уларда мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечиргани, қисқа муддат ичида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилгани, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг кечаги куни ва бугуни ҳаётий мисоллар воситасида кўрсатиб берилмоқда, - деди партия раҳбари.

Партия раҳбари ЎзМТДП тизимида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтар экан, эришилган натижалар билан бирга йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, бугунги кунда ЎзМТДПнинг 5 минг 200 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларга 180 минг нафардан ортиқ партия аъзоси бирлашган. Ҳисобот даврида марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари томонидан жойларда партия дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиришга қаратилган 6,5 мингдан зиёд тадбирлар ташкил қилинган.

Партия гуруҳлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанг 62 та ташаббус маҳаллий Кенгашлар сессияларининг муҳокамасига киритилди. Ҳудудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 171 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди. Жойларда депутатлар томонидан 727 та депутатлик сўрови амалга оширилган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 194 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, партия фаоллари томонидан йўл қўйилган айрим камчиликлар ва фойдаланилмай қолган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Наманган, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари депутатлик назоратини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйгани танқид қилинди.

Пленумда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларининг сайловларга тайёргарлиги, сайловолди кампаниясида сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш, жойлардаги тарғибот гуруҳларининг фаолияти, қуйи партия ташкилотлари ва партия гуруҳларининг сайловдан сайловгача бўлган даврдаги амалий ишлари қизғин муҳокама этилди. Бу борада ЎзМТДПнинг келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалари белгилаб олинди. Хусусан, сайлов йилида партия электорати билан самарали ишлаш, партия манфаатини ҳимоя қила оладиган аъзолар сонини кўпайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратиш ҳамда фаол аъзолар орасидан сайлов жараёнларида партия томонидан кўрсатилган номзодларни ҳимоя қила оладиган кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакилларни шакллантириб бориш лозимлиги таъкидланди.

Пленум кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев фракциянинг 2014 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти юзасидан ахборот берди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими қарор топиб, партиялараро рақобат кучайиб бормоқда. Бу жараёнда ҳар бир сиёсий партия ўз ғоя ва мафкураси, дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб, ўз ғояларини қонунчиликка сингдиришга интилмоқда. Бу борада партиямиз фракциясининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгаргани, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги ташаббускорлиги ортганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ҳисобот даврида партиямиз фракциясининг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолиятида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да, партиянинг дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш устувор йўналишни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида фракция аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 3 та қонун лойиҳаси — "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ва "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритишди,- деди партия фракцияси раҳбари.

Пленумда таъкидланганидек, ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга оширишда ҳам фракция аъзолари фаол иштирок этишди. Хусусан, "Ўзархив" агентлиги бош директорининг "Ўзбекистонда архив ишининг ҳолати ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари тўғрисида"ги ахбороти, Халқ таълими вазирининг "Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳолати ва истиқболлари, мазкур муассасаларни педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Пленумда фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Таъкидланганидек, фракция аъзолари томонидан жойларда сайловчилар билан 471 та учрашув ўтказилган. Сайловчилар билан учрашувларда фракция аъзолари ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, электоратнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ижодкорлиги фаолияти, учрашувларда сайловчилар томонидан кўтарилган муаммолар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот беришди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилиб, пленум иштирокчилари эътиборини ЎзМТДПнинг янги сайловолди Платформасида кўзда тутилган асосий йўналишлар, мақсад ва вазифалар муҳокамасига қаратди.

— Ҳар бир сиёсий партия сайловларга кириб борар экан, сайловчиларга ўз ғоя ва мафкураси, дастурий мақсад ва вазифаларини аниқ, халқчил ҳамда жозибадор тарзда етказишга ҳаракат қилади. Бу эса сайловолди Платформаси воситасида намоён бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, замон ўзгариб борар экан, одамлар дунёқарашига мос тарзда сиёсий жараёнлар ҳам тобора такомиллашиб боради. Шу боис янги сайловолди Платформамизни ишлаб чиқишда бўлғуси сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилишини, бугунги сайловчининг сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши кечагисидан юксаклигини инобатга олган ҳолда эътибор қаратяпмиз. Бунда фақат ғоялар жозибадорлигига эмас, балки амалга ошириш мумкин бўлган, партия ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларини ифода этадиган мақсад ва вазифаларга урғу берилмоқда. Партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифалари асосида ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, фаоллари ва фракция аъзоларининг таклиф ҳамда мулоҳазалари инобатга олинаётир.

Шунингдек, Пленумда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Кўрилган масалалар юзасидан партия фаоллари ўзларининг фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Хусусан, ЎзМТДП Қашқадарё ва Фарғона вилоят Кенгашлари Ижроия Қўмитаси раислари Сайфулла Махматмўминов, Абдусаттор Мирсаидов, партия Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ўткир Рашидов, ЎзМТДП фракцияси аъзолари Шуҳрат Деҳқонов, Илҳом Абдуллаев музокара учун сўз олишди.

Пленум якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Сўз — пленум иштирокчиларига



***Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Партиямизнинг навбатдаги пленуми Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик тантаналари тобора яқинлашаётган шукуҳли кунларда ташкил этилгани бежиз эмас. Боиси Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари фаоллик кўрсатишмоқда. Пленумда таъкидланганидек, бу борада партиянинг махсус иш режаси қабул қилиниб, тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Уларда мустақиллик энг олий неъмат экани, уни қўлга киритишда халқимиз чеккан машаққатлари ҳаётий мисоллар воситасида таҳлил этилмоқда.

Пленум кун тартибидаги барча масалалар партиямиз фаолияти учун муҳим саналади. Хусусан, партия фракцияси фаолияти таҳлил этилар экан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни илгари сурилаётган қонун лойиҳаларида акс эттириш йўналишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, фракциямиз аъзолари жорий йил ўтган даври мобайнида асосий эътиборни партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий бозорни тараққий эттириш борасидаги тарғибот ишларига қаратишди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолиятида фракция аъзолари 3 та қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритишга муваффақ бўлдилар. Улар ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга оширишда фаоллик кўрсатиб, жойларда сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказишди. Пленумда фракциямизнинг мазкур саъй-ҳаракатларини изчиллик билан давом эттириш электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий омили экани алоҳида эътироф этилиб, бу борада устувор вазифалар белгилаб олинди.



***Комилжон ОТАХОНОВ,***
***ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Пленумда партиянинг жорий йилдаги фаолияти танқидий таҳлил этилгани барчамизни яна бир бор ҳушёрликка ундади. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги марраларини забт этиб, барча соҳаларда муваффақият қозонаётган бир пайтда сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланмоқда. Бу масъулият, айниқса, жорий сайловлар йилида икки карра ошади, десак муболаға бўлмайди. Ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилар экан, энг аввало, партия ташкилотларида меҳнат интизомини таъминлаш, кадрлар салоҳияти, тадбирлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, сафларимизни мустақиллик ва партиямиз ғояларига содиқ фуқаролар билан кенгайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия гуруҳлари ташаббускорлигини кучайтириш, бошланғич партия ташкилотлари ташаббусларини кўпайтириш сайловларда муносиб иштирок этишнинг асосий омили экани таъкидланди. Шунингдек, фаолиятимизда учраётган айрим камчиликлар ҳам танқид остига олинди. Бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, ўз сафида 11 минг 211 нафар аъзони бирлаштирган партия Андижон вилоят Кенгаши фаолиятини янада кучайтириб, сайловларда муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қиламиз.

Йиғилишда партиямизнинг янги сайловолди Платформасини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили, билдирилган фикр-мулоҳазалар, бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигини англатди. Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари, партиянинг фаол аъзолари томонидан берилаётган таклифлар янги сайловолди Платформасининг энг мақбул, халқчил, электорат манфаатларини ифода этадиган мақсад ва вазифаларга бой бўлишида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.



***Ғайрат ҚОДИРОВ,***
***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:***

— Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, партиялараро соғлом рақобатни кучайтириш, мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва партия дастурий вазифаларини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаоллиги муҳим саналади. Пленумда партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар киритиш, фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш, ҳудудларда Давлат дастурларининг бажарилишини назорат қилиш каби долзарб вазифалар ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан қай даражада бажарилаётганига эътибор қаратилди. Бу борада илғор партия гуруҳлари эътироф этилиб, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, сессияларда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб масалалар киритишда сусткашликка йўл қўяётган айрим маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти танқид қилинди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида партия дастурий мақсад ва вазифалари, электорат манфаатларига қаратилган 3 та ташаббус-масала маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилди. Фуқаролар мурожаатлари асосида 31 та депутатлик сўрови амалга оширилиб, 23 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Шунингдек, ҳудудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 17 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди. Бундан қониқиш ҳиссини туйиб, хотиржамликка берилмоқчи эмасмиз. Балки кейинги фаолиятимизни янада кучайтириб, сайловчилар олдида берган ваъдаларимизнинг амалий натижасини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.



***Дониёр ТОШБОЕВ,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими мудири:***

— Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замон талаблари сиёсий жараёнларда ҳам намоён бўлмоқда. Ҳар бир сиёсий партия ўз дастурий мақсад ва вазифалари, ғоя ва мафкурасини тарғиб қилишнинг янги ва самарали усулларини излаб топиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб келмоқда. Бу фаолият, айниқса, сайловлар жараёнида ўзининг яққол ифодасини топади. Сиёсий партиялар ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига қай даражада эриша олди, унинг ғоя ва мақсадлари қандай тарғиб қилинди, партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи қандай, сайловолди ваъдалар бажарилдими, деган саволларга сайловлар арафасида жавоб топилади. Пленумда партиямизнинг жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлиги, ундаги муносиб иштирокни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутувчи оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш йўналишидаги фаолиятимиз таҳлил этилди. Қайд этилганидек, жорий йил ўтган даври давомида партия ташкилотлари фаолияти мунтазам оммавий ахборот воситаларида ёритиб келинган. Яъни 2014 йил 6 ойида жами оммавий ахборот воситаларида чиқишлар сони 5 минг 778 тани ташкил этди. Ўтган 2013 йилда бу кўрсаткич 3 минг 587 тани ташкил этган эди. Қиёсий таҳлил қилсак, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар бўйича жорий йил биринчи ярим йиллигида 2 минг 191 тага ўсиш кузатилган. Бу борада Андижон, Навоий, Фарғона ва Сурхондарё вилоят Кенгашлари фаоллик кўрсатган. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш сайловлар йилидаги муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

**Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Ёшлар форуми



# “Биз келажакка ишонамиз”

**шиори остида ўтказилган тадбир партия дастурий мақсадларига хизмат қилди**

***ЎзМТДП Денов туман Кенгаши, туман маданият ва спорт, Республика маънавият-тарғибот маркази туман бўлимлари ҳамкорлигида “Биз келажакка ишонамиз” шиори остида ёшлар форуми ташкил этилди.***

Форумни ЎзМТДП Денов туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Нодир Турдиев кириш сўзи билан очиб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Ёшларни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, уларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидор ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш, қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини жамият равнақи йўлида сафарбар этишга рағбатлантириш ЎзМТДПнинг ёшлар сиёсати йўналишидаги устувор вазифаларидан саналади. Шу нуқтаи назардан партия ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган тадбирлар, қатор лойиҳалар фаол ва ташаббускор ёшларни кашф этиш, улар ўртасида партия ғояси, мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилиш, келажак эгаларини партия сафига жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бугунги тадбир ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш ва ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда партиянинг халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида белгиланган вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида ҳаваскор ҳунарманд ёшлар томонидан ишланган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилиб, унда воҳа халқ амалий санъатининг юксак намуналари ҳисобланган мусиқа асбоблари, каштачилик намуналари, миллий либослар, ёғоч ўйинчоқлар, миллий чопонлар, зардўзлик, кандакорлик, заргарлик буюмлари, миллий гилам ҳамда ёғоч ўймакорлиги асарлари намойиш этилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, айни кунда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоларининг 48 фоизини ёшлар ташкил этади. Партия ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида”, “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” мавзусида кўрик-танловлар, “Озод юртнинг обод гўшаси” акцияси, “Миллий халқ ўйинлари” фестивали каби лойиҳалар ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида камол топтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, ташаббусларини рағбатлантириш айни муддао бўлмоқда.

Тадбир давомида партия туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаолларининг партия ғояси ва дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб этувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан ижро этилган Сурхон воҳасига хос фольклор куй-қўшиқлар, ўзбек кураши, белбоғли кураш, тош кўтариш ва “Ўзбек жанг санъати” спорт турлари бўйича чиқишлари, иштирокчиларнинг арқон тортиш беллашувлари, миллий либослар намойиши, шахмат-шашка бўйича баҳслар тадбирнинг янада серфайз ва кўтаринки ўтишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимиздаги маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодга бус-бутун етказиш, ёшларни аждодлар маънавий мероси билан яқиндан таништириб бориш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади. Шу боис, тадбирлар якунида партия туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчи ва фаоллари ҳамда ёшлар учун Сурхондарё вилоятида жойлашган Ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо ат-Термизий, Қирққиз, Султон Саодат каби муқаддас қадамжолари бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

***Чори МАНСУРОВ,***
***тадбир иштирокчиси:***

— Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўрни кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш, мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, айниқса, ЎзМТДП фаолиятида яққол акс этмоқда. Мазкур тадбир эса ана шундай мақсадларни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятли бўлди. Тадбирлар доирасида тарихий қадамжолар бўйлаб уюштирилган экскурсия мобайнида кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдим. Ўйлайманки, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, миллий ғоя ва мафкура асосида ёшларнинг маънавиятини янада бойитиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турлари орқали ёшларни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, миллий ҳунармандчилик ва “устоз-шогирд” мактабини ривожлантириш йўли билан ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бундай тадбирлар ёш авлод онг-у шуурида мустақил Ўзбекистонимизга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқатни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

⊙ Ўз-ўзини танқид

# Сусткашликка чек қўйиш вақти келди

**ҳамма БПТ ҳам таянч бўғин деган номга лойиқ иш олиб бораяптими?**

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларда янгича дунёқарашни шакллантириш нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, хусусан, сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Маълумки, сиёсий партиянинг жамоатчиликка энг яқин бўғини бу унинг бошланғич ташкилотидир. Шу боис партияларнинг жамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида, аввало, қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш, иш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси қошида бугунги кунда 20 минг 615 нафар партия аъзосини бирлаштирган 376 та қуйи бўғин партия мақсад-вазифаларини аҳолига кенг тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоялашда фаоллик кўрсатмоқда.

Хўш, партия Самарқанд вилоят туман ва шаҳар Кенгашларининг бошланғич партия ташкилотлари бугун қай даражада фаолият кўрсатмоқда? Партиянинг таянч бўғини деган номга лойиқ иш олиб боряптими? Қуйи бўғин олдидаги долзарб вазифалар нималардан иборат ва қандай масалалар четда қолмоқда? Улар томонидан ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини бераяптими ёки фақат сонгагина аҳамият қаратилаяптими?

Жорий йилги сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, сайлов кампанияси даврида партия вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги қуйи бўғинлар фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, ижобий ишлари билан намуна бўлаётган, партия сафига ташаббускор ва фаол аъзоларни бирлаштираётган, электорат манфаатларини қўллаб-қувватлаётган қуйи бўғинлар билан бирга, ўз вазифасини теран ҳис қилмаётган, партия ишига лоқайдлик билан ёндашаётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам кўзга ташланмоқда.

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар Кенгаши тасарруфидаги бир гуруҳ педагоглардан иборат “Билим орзу” ўқув маркази қошида тузилган қуйи бўғин бугунги кунда 36 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Мазкур қуйи бўғин партия Марказий Кенгаши томонидан ташкил этиладиган “Энг намунали бошланғич партия ташкилоти” кўрик-танловининг Республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, Республика миқёсига чиқишга мушарраф бўлди. Хусусан, бошланғич партия ташкилоти билан халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик электорат манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Эътироф этиш жоизки, депутатлар иштирокида ташкил этилаётган тадбирлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тарғиб қилишга қаратилаётгани билан эътиборлидир. Бу партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, “Соғлом бола йили” Давлат дастури юзасидан Республика маънавият тарғиботи маркази Самарқанд шаҳар бўлими билан ҳамкорликда “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиланинг ижтимоий-психологик аспектлари” мавзусида ўтказилган ўқув-семинарда бугунги кунда қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари, оилавий ҳаётга тайёр бўлмаган ёшлар орасида ажралиш муаммоларига қаратилган фикр-мулоҳазалар барчада катта қизиқиш уйғотди. “Соғлом она — соғлом фарзанд” шиори остида “Жамиятнинг соғлом, маънавий етук фарзандлари”, “Менинг оилам — менинг бахтим”, “Шу азиз Ватан — барчамизники”, “Биз буюк юрт фарзандларимиз”, ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси билан ҳамкорликда “Бошланғич партия ташкилотлари — партиямиз таянчи” мавзусидаги партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тарғибот тадбирлари партия ғояларининг чекка ҳудудларга ҳам тарқалишига хизмат қилмоқда. Албатта, тадбирларнинг сонига эмас, сифатига, самарасига кўпроқ аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган изчил ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, жамият аъзоларида юксак фуқаролик масъулиятини кучайтириш, партия дастурий вазифаларини кенг тарғиб қилиш, аҳолига энг яқин ҳисобланган қуйи бўғинлар орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун яратиб берилаётган кенг шароитлар қуйи бўғинларни янада самарали фаолият юритишини тақозо этади. Ҳолбуки, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда сусткашликка йўл қўяётган, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан алоқа боғламаган, аҳоли ўртасида ЎзМТДП нуфузининг ошишига масъулиятсизлик билан ёндашаётган қуйи бўғинлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Каттақўрғон шаҳар қишлоқ қурилиш банк қошидаги қуйи бўғин гарчи 2011 йил 12 нафар аъзо билан иш бошлаган бўлса-да, бироқ ҳали-ҳануз аъзолари сафини кенгайтира олмаган, бошланғич партия ташкилоти фаолияти мунтазам таҳлил этилмаган, партиянинг кучи, таянчи деган номга лойиқ иш юритмаган. Мазкур қуйи бўғин фаолиятини кузата туриб, ушбу бошланғич партия ташкилоти томонидан келажагимиз эгалари бандлигини таъминлаш, уларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш борасида айтарли иш қилинмагани, шунингдек, партиямизнинг ҳамкор ташкилотлари, шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганига гувоҳ бўлдик.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига айнан қуйи бўғин фаоллари томонидан ташаббус билан чиқилиб, партия гуруҳлари билан ҳамкорликда кўплаб ижобий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда нега мазкур қуйи бўғин ўз сафини ташаббускор, сиёсий фаол аъзолар билан кенгайтириш у ёқда турсин, партия ғояларини аҳоли орасига тарғиб қилиш юзасидан бирор бир тадбир ўтказиш бўйича бош қотирмаган.

Бу каби сусткашликка, масъулиятсизликка йўл қўяётган қуйи бўғинларга ЎзМТДП вилоят Кенгаши томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, улар фаолиятини кучайтиришга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Ўйлаймизки, ўқув-семинарлар партиямиз сафини етук кадрлар билан кенгайтириш, қуйи бўғин етакчилари фаоллигини, партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, хайрихоҳларимиз сафини янада кенгайтириш, ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш ва партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва фаол ҳаракат қилишга ундаши шубҳасиз.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

⊙ Хроника

# Миллий қадриятлар

**миллий тикланиш пойдевори**

## ФАРҒОНА

ЎзМТДП Бувайда туман Кенгаши ташаббуси билан “Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, юксак маънавиятли ва ахлоқли, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Мамлакатимизда фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришиб, ўз ютуқлари билан мамлакатимиз довруғини жаҳонга танитиб, обрўйини янада юксалтиришга ҳисса қўшаётган фидойи шахслар билан ёшларнинг жонли мулоқотини ташкил этиш айни мақсадлар ижросида муҳим ўрин тутади. Зеро, бу каби учрашувларда ёшларда мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиш туйғусини уйғотиши шубҳасиз.

Якунда йигит-қизлар тадбирда иштирок этган таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, атрофлича жавоб олдилар.

## САМАРҚАНД

Юқоридаги мавзуга доир яна бир тадбир ЎзМТДП Тайлоқ туман Кенгаши томонидан ҳам ўтказилди.

— Келажагимиз эгаларини адабиёт ва санъатга ошно этиб, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда вояга етказишга кўмаклашиш ҳар биримизнинг чин инсонийлик бурчимиз ҳисобланади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Шерали Беҳбудов. — Ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида камол топтиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан саналади. Бу йўналишда партия “Ёшлар қаноти” томонидан “Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Бугунгача юртимиз ифтихорлари билан ўтказилган кўплаб учрашув ва юзма-юз мулоқотлар ёшларимиз тарбияси, маънавий ҳаётида ижобий самара бермоқда.

Тадбирда ёшлар партия фаоли, шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони Фарида Хурсандова билан учрашиб, мулоқотга киришдилар.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Бўстонлиқ туман Кенгаши томонидан “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари” шиори остида “Соғлом оила — соғлом бола” мавзусида тадбир ўтказилди.

Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Келажак авлодни спортга, ҳунар ўрганишга кенг жалб этиш орқали уларни салбий иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ЎзМТДП ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилмоқда. “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари” лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган семинар ҳамда ўқув машғулотлари оилалар, айниқса, ёш оила вакиллари маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Якунда тадбирда иштирок этган ёш оила вакиллари мутахассисларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

## ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Нишон туман Кенгаши ташаббуси билан “Аждодлар мероси — маънавий хазина” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари истиқлол йилларида маънавий қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва жаҳон миқёсида кенг намойиш этиш, буюк алломаларимиз меросини фундаментал тадқиқ қилиш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кенг шарт-шароит яратилганини таъкидлаб ўтдилар.

Эътироф этилганидек, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бой тарихи, миллий қадриятларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзининг нодир асарлари билан тарихда ўчмас из қолдирган буюк бобокалонларимиз номи ва мероси қайта тикланди. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ўз Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ва партия ғоясидан келиб чиққан ҳолда ҳамиша миллий ғурур ва шаънини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш ҳамда урф-одат ва анъаналаримиз бардавомлигини сақлаш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, мазкур тадбир ҳам ёш авлодни тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони этиб тарбиялашга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

## НАВОИЙ

ЎзМТДП Конимех туман Кенгаши ташаббуси билан “Тинчлик ва осойишталик мамлакат тараққиётининг кафолатидир” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари, мутахассислар, экспертлар томонидан бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, ёшларга яратилаётган имкониятлар, жаҳонда юз бераётган турли сиёсий жараёнлар чуқур қиёсий мисоллар асосида таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, партия сайловолди Платформасида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш каби умуммиллий ғоялар устувор вазифа қилиб белгиланган. Ушбу юксак мақсад ва вазифалар мамлакатимизнинг миллий ва ижтимоий яхлитлигини сақлаш, жаҳон сиёсий-иқтисодий маконидаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш, халқимизнинг бирдамлик, аҳиллик руҳида ҳаёт кечиришининг мустаҳкам кафолатидир.

## СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Музработ туман Кенгаши томонидан “Соғлом турмуш — узоқ умр гарови” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ҳаракатлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. ЎзМТДП томонидан ёшлар ўртасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ҳамда таъсирчан услубда амалга ошириш мақсадида соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, оила маънавияти, зарарли иллатларнинг соғлом бола туғилишига салбий таъсири ҳақидаги тиббий билимини оширишга қаратилган ўқув-машғулотлар жорий этилган. Бу ёшларимиз онгида соғлом турмуш тарзи тамойилларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

## ХОРАЗМ

ЎзМТДП Боғот туман Кенгаши ташаббуси билан “Миллий қадрият — миллий тикланиш пойдевори” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Истиқлол шарофати билан халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо миллий қадриятларини тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Илҳом Рўзметов. — Шундай қадриятларимиздан бири халқ ҳунармандчилиги бўлиб, мазкур соҳа бугунги кунда тобора ривожланиб бораётир. Эътироф этиш лозимки, партия сайловолди Платформасида халқ ҳунармандчилигига хос бўлган “устоз-шогирд” анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида партия томонидан миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, анъаналарни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ҳамда уларни аждодларимиз меросига садоқат руҳида тарбиялаш, ҳунар аҳлини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

⊙ Ташаббус ва натижа

# Партия гуруҳи фаоллиги

**натижасида Нурота туманида махсус "Ўқув маркази" ташкил этиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида қарор қабул қилинди**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Бу борада, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг ижобий самарасини истиқлолнинг ўтган даври мобайнида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, фарзандларимизнинг эришаётган ютуқлари мисолида кўриш мумкин.

Қайд этиш жоизки, биргина ўтган йилда республикамизда 800 га яқин таълим муассасаси, мусиқа, санъат мактаблари, болалар спорти иншоотлари янгидан қурилди, реконструкция қилинди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари зарур анжомлар билан таъминланди. Ўрни келганда айтиш жоизки, эртамиз эгаларининг бахт-иқболи, порлоқ истиқболи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар Навоий вилоятида ҳам кенг қамровда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Нурота туманида 59 та умумтаълим мактаби ҳамда 6 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Умумтаълим мактабларида 13 минг 79 нафар йигит-қиз таҳсил олаётган бўлса, касб-ҳунар коллежларида 4 минг 62 нафар ёшлар билим ва касб сирларини эгалламоқда. Ўтган ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини 1 минг 370 нафар ўқувчи тамомлади. Шундан 50 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришга муваффақ бўлган бўлса, 1 минг 250 нафар битирувчи ишга жойлаштирилди. Бир сўз билан айтганда, туманда ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар эътирофга молик. Бироқ, ҳудуд ёшларининг янада кўпроқ билим олиши ва ўз интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши учун амалга ошириш лозим бўлган ишлар талайгина. Шу нуқтаи назардан халқ депутатлари Нурота туман Кенгаши сессиясига ЎзМТДП гуруҳи томонидан ўқувчи ёшларнинг билим савиясини янада ошириш ва уларга шарт-шароит яратиб бериш мақсадида туманда "Ўқув маркази" ташкил этиш масаласи киритилди.

Йиғилишда маъруза қилган халқ депутатлари Нурота туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси У.Олтинов ҳудуд ёшларининг эртанги куни, тақдири, комил инсон сифатида вояга етиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш зарурлигини таъкидлаб, бу борада партия дастурий мақсад ва вазифаларига алоҳида тўхталди.

— Халқимиз азал-азалдан фарзанд тарбиясига бирламчи вазифа сифатида қараган ва бу миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида улуғланади. Мустақил тараққиёт йилларида эса бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, истиқлолнинг илк кунларидан соғлом ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бош мақсад қилиб қўйилди. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ҳам ўз сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантириш, таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишига кўмаклашиб келмоқда.

● ***Нуротада 59 та умумтаълим мактаби, 6 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда***

● ***Туман Кенгаши сессиясига ЎзМТДП гуруҳи томонидан "Ўқув маркази" ташкил этиш масаласи киритилди***

● ***Сессия партия гуруҳи ташаббусини маъқуллаб, қарор қабул қилди***

Сессияда сўзга чиққанлар туманда малакали кадрлар, чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, иқтидорли ўқувчиларни чет тили мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларида ўқишлари учун имтиёзлар яратиш, ҳудуддаги кам таъминланган оила фарзандлари учун мўлжалланган 7-умумтаълим мактаб-интернатига айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати мақомини бериш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Партия гуруҳимизнинг мазкур ташаббуси туман ёшларининг билим ва салоҳиятини ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил қилиш, эртамиз эгаларининг бундан-да юксак марраларни забт этишида муҳим аҳамият касб этади, - деди ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Саттор Ғаффоров. — Ташаббус-масала юзасидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашда биз партия вакиллари ҳам фаол иштирок этишимиз лозим.

Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтган сессия якунида ЎзМТДП гуруҳининг ташаббус-масаласи маъқулланди. Сессия қарорига кўра, туманда "Ўқув маркази" ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди, улар зиммасига муайян вазифалар юклатилди.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



*Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама қилишмоқда.*

⊙ Қонун кучга кирди

# Экологик назоратни кучайтириш

**атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашнинг муҳим омилидир**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Қолаверса, 18-моддада "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик экология назоратини амалга ошириш мақсадида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириши ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши мумкин" деб белгилангани ҳудуд инспекторларига алоҳида ҳуқуқлар беради. Шунингдек, улар атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахсларнинг риоя этишларини ҳам бевосита кузатиб борадилар.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда, жумладан, давлат ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этишлари қонунда алоҳида таъкидланган. Қолаверса, улар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг мазкур йўналишда олиб бораётган ишлари юзасидан ахборот ҳамда ҳисоботларини ҳам тинглаш имкониятига эга.

Мазкур қонун Бухоро вилоятидаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам муҳим ўрин тутади.

### БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

Улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб қолган тенги йўқ тарихий обидаларни, мўл-кўл ҳосил берадиган гўзал она заминимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Бу йўлда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор, аммо ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Бухоро ён-атрофдаги ҳудудларга нисбатан бирмунча чуқурликда жойлашганлиги боис, бу ерда сизот сувларининг сатҳи баланд, шўрланиш даражаси юқори ҳисобланади. Вилоятда "2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий дастури" асосида "Тарихий обидалар жойлашган ҳудудларда ва Бухоро шаҳрида ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтириш, салбий таъсирини назорат қилиш" ҳамда "Бухоро вилояти суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш" йўналишида қатор вазифалар белгиланган эди. Бу борада Бухоро шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси томонидан ҳар йили муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва тарихий обидалар жойлашган ҳудудлардаги ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтириш ҳамда назорат қилиш мақсадида 88 та тик ва 58 та кузатув қудуғи қурилган. 2012 йилда тик қудуқлар ва ёпиқ зовурлар орқали жами 7, 143 млн. куб метр сизот сувлар шаҳар ташқарисига чиқарилган. Натижада мазкур ҳудудлардаги ер ости сизот сувларининг ўртача сатҳи 2,2 метрни ташкил этмоқда. Тарихий ёдгорликларнинг шўрланишига ер ости сувлар кўтарилиб, зарарли тузлар кўпайиши асосий сабаб бўлмоқда. Тик қудуқлар ер ости сувлари сатҳини пасайтиришга имкон бераётганини алоҳида эътиборга олсак, улар сонини кўпайтириш ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш зарур.

Президентимизнинг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида "Аму-Бухоро" ирригация тизимлари ҳавза бўлими қошидаги гидрогеологик мелиоратив экспедицияси ҳамда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти маблағлари ҳисобидан 2012 йил давомида коллекторларда тозалаш, тик деренаж қудуқларда таъмирлаш, ёпиқ-ётиқ деренаж тармоқларида ювиш, коллекторларда реконструкция ишлари бажарилиб, 649,51 км. узунликдаги зовур тармоқлари тозаланди. Натижада 100 минг гектардан зиёд суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, вилоятнинг жами суғориладиган ер майдони 274,9 минг гектарни ташкил этади.

### ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Зарафшон дарёси трансчегаравий дарёлар туркумига кириши билан бир қаторда азалдан воҳа аҳолисининг ичимлик сув манбаи бўлиб келган. Дарё сувининг бошланиш ҳудудида Тожикистоннинг Панжикент туманидаги тоғ кон комбинати корхоналари жойлашган. 2002 йилдан буён Зарафшон сувлари юқоридаги корхоналар томонидан сурма, симоб, кадмий, стронций моддалари билан ифлослантирилмоқда. Шунингдек, дарё Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий шаҳар саноат корхоналарининг оқава сувлари, зовурларнинг сизот сувлари натижасида ҳам ифлосланаётир. Шу боис, дарё ҳавзасида ер ости сув оқимларига антропоген таъсирини пасайтириш, экологик, санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш мақсадида Зарафшон дарёси сувларининг сифат кўрсаткичларини доимий назорат қилиб бориш Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, Гидрометериология ҳамда давлат санитария эпидемиология назорати марказлари зиммасига юклатилган.

Дарҳақиқат, Зарафшон суви таркибидаги зарарли моддалар Бухоро вилоят ҳудудида мунтазам равишда камайиб бормоқда. Бунга Аму-Бухоро каналига Амударё сувининг келиб тушиши ҳамда унинг Шофиркон канали орқали Тошработ Гидроузелига келиб қўшилиши асосий сабаб бўлмоқда. Қолаверса, Самарқанд вилояти ҳудудида фаолият кўрсатаётган (дарё бўйида жойлашган) Бойназар оқава сувларини тозалаш иншоотининг кўчирилиши, Жомбой ун комбинати, Каттақўрғон ёғ заводи, Булунғур винзаводи оқава сувларини тозалаш иншоотларининг капитал реконструкция қилиниши ҳамда "Навоийазот" комбинатининг биологик тозалаш иншооти кенгайтирилганлиги дарё суви таркибидаги зарарли моддаларнинг камайишига катта ҳисса қўшаётир.

### ОСМОНИМИЗ МУСАФФОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Бухоро вилоятида корхона манбалари ва автотранспорт воситаларидан атроф-муҳитга чиқарилаётган чиқинди, чанг ва газлар таъсирини йилдан-йилга камайтиришга эришилмоқда. 2013 йилда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси (ИЗА) 2011 йилга нисбатан 6,9 дан 4,1 гача қисқаргани ижобий ҳолдир. Вилоятда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида автотранспорт воситалари чиқиндиларини камайтириш, уларни экологик тоза ёқилғилар билан таъминлаш, табиий газга ўтказиш ва саноат корхоналари манбаларига ўрнатилган газ, чанг тозалагич ускуналарини таъмирлаш, янгиларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Натижада автотранспортларнинг юқори иш самарадорлигига эришилди. Таъкидлаш жоизки, соҳага оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, назорат-таҳлил ишларини олиб бориш, белгиланган чора-тадбирларнинг амалда бажарилишини таъминлаш кутилган натижаларни бермоқда.

Қолаверса, вилоятда 14 та замонавий чиқиндихона ташкил қилинган бўлиб, ҳар йили 171 минг тонна чиқинди жойлаштирилмоқда. Уларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида пластмас идишлар ва полиэтилен плёнкалари қайта ишланиб, қурилиш материаллари учун хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Аммо бу мавжуд чиқиндиларнинг атиги 140 тоннасини ташкил этади, холос.

### "ЯШИЛ ҚАЛҚОН" — САМАРАЛИ ЙЎЛ

Ҳудудда Орол минтақасида рўй берган экологик ҳолатнинг вилоят ерларига, яйловлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсирини камайтириш мақсадида саксовул, черкез, юлғун ва шувоқ каби ўсимликлардан иборат "Яшил қалқон" майдонини кенгайтириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят ўрмон хўжалиги раҳбари А.Бобоқуловнинг таъкидлашича, ҳозирда "Яшил қалқон" майдонини 194 минг гектарга етказиш режалаштирилмоқда. Айни кунда 70 минг гектарлик яшил девор ҳосил қилинган. Бу ҳосилдор ерларни шўрлашдан асраш билан бир вақтда қум кўчиш, эрозия, гармсел каби офатларнинг ҳам олдини олади.

Мухтасар айтганда, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун мамлакатимиз табиий муҳитини асраб-авайлаш, экологик тизим мусаффолигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам юртимиз табиати, бой табиий ресурсларини асраб-авайлаш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаати йўлида оқилона фойдаланиш, шунингдек, экологик хавфсизлик, айниқса, Орол бўйи, экологик ва табиий хавфларга мойил зоналарда яшовчиларнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш мақсадларида экологик хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш вазифалари белгиланган. Бу каби мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Эркин НЕЪМАТОВ,**
**халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари**

⊙ Депутатлар фаолиятидан

# Сайловчилар ишончини оқлаш

**депутат зиммасидаги асосий вазифа**

***Аҳоли депутатни сайлаганда, унинг билими ва дунёқараши, салоҳияти, ҳаракатчанлигига ишонади, манфаатларининг ҳимоя қилинишига умид билдиради. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Муҳайё Зайнобиддинова ҳам ҳар сафар электорат вакиллари билан учрашганда зиммасидаги масъулият юкини ҳис этиб, ана шу ҳақиқатни яна бир ёдга олади.***

У бир неча йиллардан буён Қўрғонтепа туманидаги 20-умумтаълим мактабида директор, халқ депутатлари вилоят Кенгашида Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси сифатида партия сайловолди Платформасида илгари сурилган мақсад-вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишга ҳисса қўшиб, депутатлик сўровлари, депутатлик назоратини олиб боришда ўз ташаббускорлигини намоён этиб келаётир.

Ана шундай амалий ишлардан баъзиларига тўхталсак. Депутат яқинда Қўрғонтепа тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига ҳудуддаги 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этилиши юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида маълумот беришини сўраб мурожаат қилган эди. Сўров натижасида мазкур йўналишдаги ишлар янада жадаллашиб, тумандаги 2 минг нафардан зиёд битирувчидан такрор сўровномалар олинди. Бу уларнинг ўзлари танлаган касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришларида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, керакли ҳужжатлар базаси шакллантирилгани, зарур шароитларнинг яратилгани тизимда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф қилишга хизмат қилади.

Шунингдек, М.Зайнобиддинова тумандаги Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган врачлик пунктида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида депутатлик сўрови билан мурожаат қилган эди. Сўров натижасида ҳудуддаги Навоий, Нодира номидаги ҳамда "Қирлик", "Дардоқ" маҳалла фуқаролар йиғинларида репродуктив саломатликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгайиб, врач ва ҳамширалар томонидан аҳоли орасида 40 га яқин учрашув, суҳбатлар ўтказилди.

— Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашида 11 нафар депутат самарали фаолият олиб бормоқда, - дейди ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Комилжон Отахонов. — Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида улар томонидан 27 та депутатлик сўрови амалга оширилиб, 10 марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботи тингланди. Шунингдек, доимий комиссия йиғилишларига 4 та таклиф, сессияларга 3 та ташаббус-масала киритилди. Айниқса, депутатлик назоратини олиб боришда вилоят Кенгаши депутати Муҳайё Зайнобиддинованинг ташаббускорлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Айниқса, вилоят Кенгашига Қўрғонтепа туманидан сайланган депутат сифатида мазкур ҳудудни янада ободонлаштиришга, ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Яқинда унинг саъй-ҳаракатлари билан тумандаги баъзи маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида терминаллардан фойдаланиш борасида юзага келаётган камчиликлар тўлалигича бартараф этилгани депутатимизнинг фаоллигидан далолат беради.

Шу билан биргаликда Қўрғонтепа туманидаги Нодира номли маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Дардоқ қишлоғида жойлашган маҳаллаларга куз-қиш мавсумида қаттиқ ёнилғилар етказиб бериш каби масалаларда Муҳайё опанинг ташаббускорлиги диққатга сазовор. Бир сўз билан айтганда, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, электорат манфаатларини таъминлашда М.Зайнобиддинованинг халқ депутатлари Қўрғонтепа туман Кенгаши депутатлари Д.Қўқонбоева, А.Абдуллаев, А.Умаровлар билан ҳамжиҳатликда, қўлни-қўлга бериб фаолият юритаётгани янада қувонарли.

**Замира РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Давра суҳбати

# Холислик ва ҳаққонийлик

**сайлов жараёнларида асосий мезонга айланмоғи лозим**

*Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ, жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.*

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан ташкил қилинган "Сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзуидаги давра суҳбати ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари, сиёсий партиялар матбуот хизмати ходимлари, соҳа мутахассислари ва экспертлар қатнашди.

Мутахассислар сайловни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб, бу борада журналистлар томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, мазкур жараённи ёритишда журналистларнинг ҳуқуқлари ва улар томонидан амал қилиниши лозим бўлган қоидалар бир қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилгани эътироф этилди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг сайловчиларнинг сайловга оид ҳуқуқларини кенг тарғиб этиш, жамоатчиликни сайлов жараёнининг бориши тўғрисида доимий ва тизимли равишда хабардор қилиш, депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партияларга ўз сайловолди дастурларини электоратга етказиш учун имконият яратиш, сайловларнинг бориши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш вазифаларини бажаради.

Таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнларини ёритишда журналистлардан, энг аввало, ошкоралик, холислик, сиёсий билимдонлик талаб этилади. Шу боис тадбирда ОАВ ходимларининг бу борадаги фаолиятини янада кучайтириш мақсадида журналистлар учун махсус ўқувлар ташкил этиш, сайлов қонунчилигидан мунтазам хабардор қилиш, уларнинг Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорлигини таъминлаш, жараённи ёритишда фаоллик кўрсатган соҳа вакилларини рағбатлантириш каби масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Қизғин мунозаралар, савол-жавобларга бой тарзда ўтган мазкур учрашув журналистларнинг сайлов жараёнини ёритишдаги фаолиятида зарур хулосалар, муҳим йўналишларни белгилаб олишига хизмат қилади.

**Умида УЗОҚОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Бугуннинг гапи**

***Дунёда кечаётган бугунги мураккаб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий жараёнларнинг маъно-моҳиятини, хусусан, бу жараёнлар замиридаги мақсад-муддаони, уларнинг ёшлар онги, ахлоқи, турмуш тарзи ва дунёқарашига таъсирини ўрганиш, тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва шу йўл билан янги авлод қалбида чинакам ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.***

# Маънавият — миллий юксалиш пойдевори

Яна бир муҳим жиҳати - ёшлар дунёқарашида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш учун биз кўпроқ соғлом турмуш тарзини, истиқлол йилларида вояга етган, мустақил фикрловчи, замонавий билимларни чуқур эгаллаган ёшлар эришаётган ибратли, ҳавас қилса арзигулик ютуқларни, уларга хос янгича турмуш тарзини, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳил-иноқликни ғоят таъсирчан тарзда тарғиб қилишимиз, иқтидорли, ташаббускор ёшлар учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиб беришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари ҳар қандай миллат, энг аввало, жамиятда тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқлик, ўзаро меҳр-оқибатлилик, бағрикенгликни сақлаб қолиши, халқимизга хос бу фазилатларни ёш авлод онгига сингдириши, тарбия ишини ҳеч қачон ўзибўларчиликка ташлаб қўймаслиги, шу билан бирга, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотмаслиги зарурлигини кўп бор уқдиради. Бундай қилинмаса, миллат ўзининг энг катта ва тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ҳамда озодлигидан жудо бўлиши мумкин. Бунга олис тарихда ҳам, яқин ўтмишда ҳам мисоллар кўп. Баъзи халқларнинг озодлик йўлидаги курашлари бир эмас, бир неча асрлар мобайнида азобли оғир йўқотишлар, чекинишлар, янглишишлар билан давом этган. Уни қўлдан бой бериш эса жуда осон. Чунки, маънавий хуруж онг-шуурда чуқур илдиз отмагунча, яъни танаси бақувватлашиб, ҳосилга кириб, “мева” тугмагунча кўзга ташланмайди. Бунинг сабаби, бузғунчи кучлар ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда ўта беозор, аммо таъсир кучи ғоят самарали воситалардан фойдаланади. Бунда асосий куч ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитиш, зеҳнини, тарихий хотирасини сусайтиришга қаратилади. Дунёда турли мафкуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви кундан-кунга кескин тус олаётган бир пайтда Юртбошимизнинг фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмасига оғишмай, янада самаралироқ амал қилишимиз, ёш бўлишига қарамай, миллатнинг фахри-ғурурига айланган олим, ижодкор, тадбиркор, ишбилармон ёшлар эришаётган ютуқларни кўпроқ тарғиб қилишимиз лозим бўлади.

Бугун инсон тафаккури маҳсули бўлмиш компьютер, интернет ва бошқа замонавий алоқа воситалари ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, фан ва техниканинг бу ютуқлари инсон ақлзаковати билан баҳслашмоқда. Интернет орқали биз олис минтақаларда бўлаётган энг сўнгги воқеалар, ҳодисалар, оламшумул янгиликлардан хабардор бўлиб турибмиз. Дунёнинг энг чеккасида содир этилган воқеа, айтилган гап шу оннинг ўзида бутун ер юзига тарқалаётир. Ахборот технологиясининг бу ютуғи хабардорликка, ижтимоий фаолликка хизмат қилаётганини рад этиш қийин. Компьютер орқали фикрлай бошладик, ижод қилмоқдамиз. Олимлар бу ихтироларни янада такомиллаштириш, янада ақлли машиналар ихтиро қилиш устида бош қотирмоқдалар. Лекин бу ютуқлар наинки ёшлар, умуман, инсоният онги ва тафаккурига қандай таъсир кўрсатиши устида камроқ ўйлаётганимиз ҳам бор гап.

Инсон, аввало, фикру зикри, ақл-заковати, тарихий хотираси, маънавияти, билан тирик! Фикрлашдан, хулоса чиқаришдан узоқлашиш эса инсонликдан чекиниш, яъни маънавий тубанлашишдир. Инсоният тарихида бундай сабоқлар жуда кўп. Ҳар бир миллат ўз тарихий илдизларини, ўтмиш аждодлари, ота-боболари босиб ўтган йўлни чуқур билиши, асрлар давомида шаклланган, ҳаёт синовларидан ўтган, миллий-маънавий бойликка айланган қадриятларни унутмаслиги лозим.

Ватанни севиш, бойликларини асраб-авайлаш, кўпайтириш аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган фазилатдир. Улар, гарчи жонларини фидо этиб ҳам, озодликни қўлга кирита олмаган бўлсалар-да, халқни халқ, миллатни миллат сифатида тутиб турувчи ахлоқий қадриятларни, халқона анъаналаримизни, дину диёнатимизни жон янглиғ асраб келганлар. Шу боис, бу улуғ неъматларни кўз қорачиғидек асраш, умуминсоний қадриятлар билан бойитиб, келгуси авлодларга етказиш маънавий тарбия соҳасида энг муҳим вазифа мақомига кўтарилди. Халқни буюк келажак йўлида бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони ягона Ватан бахт-саодати учун масъулият сезиб яшашга чорлаш, юксак фазилатли комил инсонларни тарбиялаш, шу муқаддас замин учун фидойиликни яшаш тарзига айлантириш — миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади қилиб белгиланди. Бу вазифа мамлакатимиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Демакки, тинч-тотув ҳаётимизга чанг солувчи турли таҳдид ва бузғунчи ғояларга, нияти ғараздан иборат оқимларнинг ёшларимизни тўғри йўлдан оздиришга, уларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳаракатларига бепарво қараб туриш мумкин эмас, маънавиятимиз илдизларига болта кўтараётган, қадриятларимизни қадрсизлантиришга уринаётганларга нисбатан муносиб жавоб қайтаришимиз керак. Сабаби, ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган ёшлар бундай оқимларнинг ниятларини ҳамиша ҳам англаб етмайдилар. Янглишганларини тушуниб етганларида эса, вақт ўтган, умрнинг неча йиллари беҳуда соврилган бўлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликка қилинган кўплаб хуружлар мисолида айтишимиз мумкинки, ёвуз ниятли кучлар, энг аввало, балоғат остонасида турган ёшларни нишонга олади. Чунки улар ҳали илдизи нимжон ниҳол каби, ким қайси томонга қараб бурса, ўша томонга қараб оғишлари мумкин. Зиммаларига ёшлар билан ишлаш масъулияти юклатилган тарбиячилар, маънавият ва маданият жабҳаси фаоллари тарғибот-ташвиқот ишида Президентимизнинг асарлари, нутқ ва маърузаларидаги кўрсатмалардан, адабиёт, санъат, кино, театр, матбуот ва телевидение имкониятларидан, халқимизнинг тарбия борасидаги буюк тажрибасидан унумли фойдаланишлари, ишонтириш санъатини, нотиқлик маҳоратларини намоён этишлари талаб этилади. Ёшлар билан уларни қизиқтирган мавзуларда давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ташкил этиш, суҳбатдошларининг таклифлари, танқидий мулоҳазалари ва эътирозларини диққат билан тинглаш, энг кескин саволларга ҳам маҳорат билан жавоб қайтариш яхши натижа беради. Муаллимлар маънавий-ахлоқий тарбия мавзусида талабаларга вақти-вақти билан иншо ёздирсалар, оғзаки нутқда жўшиб айтиладиган фикрларни ёзма равишда вазмин ифодалашга ўргатсалар, айни муддао бўлур эди. Мактаблар, лицей ва коллежларда заковатни чархлашга доир ўтказилаётган билимдонларнинг ўйинлари “Фалон воқеа қачон, қаерда рўй берган?” мазмунидаги саволлардан иборат бўлиб қолмай, ёшларнинг мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш, қиёслаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Фикримизча, бунда жавоб берувчининг заковати билан бирга, ўзига хос фикрлаш тарзи, мулоҳаза юритиш қобилияти, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ва изоҳини билиш муҳим ҳисобланади.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида маънавиятнинг мазмун-моҳияти узоқ йиллик ҳаётий кузатишлар, мустақиллик йиллари тажрибалари ва бугун дунё миқёсида юз бераётган шиддатли воқеа-ҳодисалар ва уларнинг инсон руҳий оламига таъсири мисолида аниқ-равшан таърифлаб берилган: “Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. Менинг назаримда, “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”.

Давлатимиз раҳбари маънавият миллий ўзликни англашда муҳим ва ҳал қилувчи куч эканлигини уқдирар экан, ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда беқиёс аҳамият касб этишини эътироф этади. Демакки, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки таҳдид, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлиги ва яхлитлигига, шу заминда яшаётган турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқлигига раҳна солувчи, тўғри йўлдан адаштирувчи ҳаракат, таҳдид эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Руҳий олами пок, ўзлигини англаган, келажакка ишончи мустаҳкам, имон-эътиқодли кишига ҳеч қандай ташқи куч таъсир ўтказа олмайди.

**М.АҲМАДЖОНОВ**

**Анжуман**

## Янги такси йўналишлари

### ишга туширилди

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Фарғона водийси шаҳарлари ва Тошкент шаҳрини боғловчи янги йўналишлари тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда агентликнинг турли йўналишлар бўйича мутасаддилари, мутахассислар, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Тадбирда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Шоолим Шоваҳобов, Автотранспортда хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи Тоҳирхўжа Джамалходжаев янги асосдаги йўналишли таксилардан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижалар, амалга оширилган тайёргарлик ишлари, барпо этилган автостанцияларда йўловчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг август ойида ишга туширилган “Тошкент-Андижон”, “Тошкент-Наманган”, “Тошкент-Фарғона” ҳамда “Тошкент-Қўқон” йўналишларидаги автостанцияларда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етган. Мазкур автостанцияларда автомобиллар тўхтаб туриши ва йўловчиларни олиш, тушириш учун махсус жойлар, рейс олдидан ҳайдовчиларни тиббий ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш масканлари, йўловчилар ва ҳайдовчилар учун турли қулайликлар, жумладан, маълумот олиш хонаси, овқатланиш ва дам олиш жойлари, меҳмонхоналар, чиптахона ва санузеллар барпо этилди.

Анжуманда қабул қилинган қоидаларга биноан автотранспорт воситаларида тижорат асосида йўловчиларни ташиш фаолияти тегишли лицензияга эга юридик корхоналар томонидан амалга оширилиши, шахсий автотранспорт воситалари эгалари эса худди шундай лицензияга эга бўлган корхонага аъзо бўлган ҳолда фаолият юритиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир якунида журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб берилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**









*Президентимиз раҳнамолигида Термиз шаҳрини обод ва кўркам шаҳарга айлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш изчил ривожланмоқда. Шаҳарнинг ҳудудга мос янги қиёфасини шакллантириб, замонавий шаҳарсозлик нормаларига мувофиқлаштириш ҳамда санитария-экологик вазиятни яхшилаш, янги уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини реконструкция ва модернизация қилиш ҳамда ободонлаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаётир.*

*(ЎзА) олган суратлар.*

**Миллий ифтихор**

# Номоддий маданий мерос — муҳофазада

***Асрлар давомида халқ дилига жо бўлган, унинг истеъдодли вакиллари томонидан яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, бойиб келган номоддий маданий меросимиз ўзбек оиласи маънавияти, самимияти, бадиий-эстетик дидини намоён қилувчи ёрқин кўзгудир. Шунинг учун ҳам, мустақиллик йилларида халқимиз маънавий меросини тўплаш, муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг танитишга катта эътибор қаратилиб, қатор давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида турли лойиҳалар, илмий изланишлар олиб борилмоқда.***

Миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган, ҳозирги кунда “номоддий маданий мерос” ибораси билан номланиб келаётган миллий урф-одат ва маросимлар, халқ ижодиёти дурдоналарини сақлаш, келгуси авлодга етказиш, ундан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”-ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Давлат дастури ижроси бўйича Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Камолот” ЁИҲ, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида ташкил этилган Номоддий маданий меросни ҳужжатлаштириш бўлими томонидан номоддий мерос объектларини аниқлаш, муҳофаза қилиш, ҳужжатлаштириш мақсадида комплекс экспедициялар, кўплаб халқаро ва миллий даражадаги илмий-амалий анжуманлар, семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда. Унда номоддий маданий мероснинг ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати, жамиятнинг урф-одат, маросим, байрамлари, табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар, анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар каби соҳаларига оид объектларни ҳужжатлаштириш босқичлари, Ўзбекистоннинг Миллий ва Маҳаллий рўйхатларини шакллантириш мезонлари, дала тадқиқотларини ташкил этиш бўйича кўплаб маълумотлар берилиб, соҳа мутахассислари хабардорлиги оширилмоқда.

2007 йилнинг декабрида “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” бўйича ЮНЕСКО Конвенцияси ратификация қилинди ва 2008 йил апрель ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатига айланди. Конвенция талаблари ижросини таъминлаш, номоддий маданий мерос объектларини инвентаризация қилиш бўйича ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси номоддий маданий мероси бўйича халқаро ахборот ва ҳамкорлик маркази (ICHCAP), ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти (IICAS), ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамда Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунгача Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига Ўзбекистондан “Бойсун маданий муҳити”, “Шашмақом”, “Катта ашула” ва “Наврўз” каби 4 та объект киритилган. “Аския — сўзамоллик санъати”, “Дор ва дор ости томошалари санъати” кабилар халқаро Репрезентатив рўйхатга киритиш учун тавсия этилди.

Республика бўйлаб ўтказилган қатор илмий-фольклор экспедициялар натижаси асосида Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросга оид Миллий ва Маҳаллий рўйхатлари шакллантирилиб, мунтазам равишда янгилаб борилмоқда. Рўйхатларга киритилган объектлар ва улар тўғрисидаги ёзма маълумотлар, фото ва видео материаллар Вазирлар Маҳкамасининг “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган “Номоддий маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш бўйича Илмий-услубий кенгаш аъзолари томонидан ўрганилиб, илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон номоддий маданий меросининг Миллий рўйхатига 74 та объект киритилган.

Халқ ижодини ўрганиш, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш масалалари мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб таълимнинг барча босқичларига жорий этилди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида Номоддий маданий меросни таълим соҳасига сингдириш бўйича янги лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. “Осиё ва Тинч океани минтақаларида барқарор тараққиёт учун педагог кадрлар орасида номоддий маданий меросни тарғиб этиш” лойиҳасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад соҳа мутахассислари томонидан таълим жараёнига, хусусан, умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дарсликларига номоддий маданий меросга оид мавзуларни киритиш, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар тайёрлаш ва тажриба амалиётини ўтказишдан иборат. Лойиҳа доирасида 6 синф мусиқа фани дарслигига фольклор қўшиқларини ўрганишга доир мавзулар киритиш, жисмоний тарбия дарсларида миллий халқ ўйинларини ўргатиб бориш бўйича тажриба амалиёти ўтказилди, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди.

**Бугунги кунгача Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига Ўзбекистондан “Бойсун маданий муҳити”, “Шашмақом”, “Катта ашула” ва “Наврўз” каби 4 та объект киритилган. “Аския — сўзамоллик санъати”, “Дор ва дор ости томошалари санъати” кабилар халқаро Репрезентатив рўйхатга киритиш учун тавсия этилди.**

**Республика бўйлаб ўтказилган қатор илмий-фольклор экспедициялар натижаси асосида Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросга оид Миллий ва Маҳаллий рўйхатлари шакллантирилиб, мунтазам равишда янгилаб борилмоқда.**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб “Номоддий маданий мерос” фанини ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда мазкур фандан малакали мутахассислар талабаларга дарс бермоқдалар. Бундан ташқари, Институт ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ҳудудлардаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари директорлари учун “**Номоддий маданий мерос муҳофазасида миллий салоҳиятни кучайтириш масалалари**” мавзусида қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди.

Соҳада амалга оширилган ишларни тарғиб этиш мақсадида Марказнинг www.nmm.uz сайти ташкил этилган бўлиб, “Номоддий маданий меросни сақлаш, тарғиб этиш ҳамда online тизимига ўтиш” халқаро лойиҳаси бўйича сайтни янада такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берувчи андозалар ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг “Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг давоми, десак муболаға бўлмайди. Замонавий марказларда халқимизнинг бой меросини ўргатиш бўйича тўгараклар ташкил этиш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш ёш авлодни миллий қадриятларимизга содиқ, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта самара беради. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган “Кўҳна замин оҳанглари” Республика телетанлови, “Ўлан айтгали келдик” анъанавий фольклор санъати байрами, “Майдон томошалари санъати” Республика телефестивали, Мақом жамоалари ва катта ашула ижрочиларининг анъанавий Республика кўрик-танлови, Ёш кулолларнинг Республика кўргазмаларини ташкил этишдан мақсад ҳам ўзбек халқининг бой маданий, маънавий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш, ёшларнинг миллий меросимизни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш, шунингдек, янги жамоалар ва иқтидорли ёшларни кашф этиш ҳамда улар ижодини кенг тарғиб қилишдан иборат, - дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров.

Президентимиз таъкидлаганларидек: “Ўзбекистоннинг кучқудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимизнинг авлодларга ўтаётган маънавий меросининг туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда”дир. Чиндан ҳам ёш авлодни юксак маънавиятли, баркамол инсон қилиб тарбиялашда, миллий қадриятларимизга бўлган эътиқодини шакллантиришда номоддий маданий меросимизнинг ўрни беқиёс. Зеро, миллий ўзликни англаш, аждодларимиз тафаккурининг бебаҳо дурдоналарини асраш ва улардан самарали фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Назокат АҲМЕДОВА,**
**Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази мутахассиси**







(ЎзА) олган суратлар.

*Пойтахтимиздаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига келган киши атрофдаги орасталик, мусаффо ҳаводан тани яйраб, бадантарбия қилиш, спорт билан шуғулланиш учун ўзида куч-ғайрат сезади. Ушбу масканда тажрибали мураббийлар 530 нафардан зиёд ўғил-қизга бадиий гимнастика, теннис, стол теннисиси, камондан ўқ отиш, енгил атлетика ҳамда таэквондо (WTF) каби спорт турлари сир-асрорини ўргатмоқда.*

Зиё масканлари

# Касб-ҳунар таълими

## илғор ва замонавий технологиялар воситасида янада такомиллашмоқда

*Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида олис қишлоқ ва шаҳарларимизда замонавий таълим масканлари қад ростлади. Улар замон талабларига жавоб берадиган ўқув ва кўргазмали қуроллар билан тўлиқ жиҳозланди. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, тизимда мақтанишга арзигулик ютуқлар қўлга киритилмоқда.*

Самарқанд молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи вилоятимизнинг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Коллежда бухгалтерия ҳисоби, солиқлар ва солиққа тортиш, банк, молия ҳамда суғурта иши йўналишлари бўйича 46 та гуруҳда жами 1 минг 388 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларга 70 нафардан зиёд ўқитувчи-педагог соҳа сирларидан сабоқ бериб келаётир. Ўқитувчиларнинг замонавий ва илғор педагогик технологияларидан фойдаланиб дарс ўтишлари учун барча шароит етарли. Дарслар 52 та ўқув, иккита чет тили, биттадан биология ва кимё, тўртта информатика фани хоналарида олиб борилади. Таълим масканининг Ахборот-ресурс маркази 36 ўринли қироатхонага эга бўлиб, унда 22 минг 687 та умумтаълим фанларига оид дарслик, қўлланма, махсус, ижтимоий-сиёсий, услубий ва бадиий адабиётлар мавжуд.

Ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида 39 та фан, 12 та спорт секциялари фаолият олиб бормоқда. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, “Меҳр-мурувват фонди” ҳамда “Оила” илмий-амалий маркази ҳамкорлигида “Балоғат ёшидаги қизлар гигиенаси”, “Оилада тиббий маданиятни ошириш”, “Соғлом турмуш тарзи”, “Қизлар давраси”, “Энг яхши китобхон”, “Сиз тарихни биласизми?”, “Заковат” каби интеллектуал ўйин ва викториналар ўтказиб турилади.

Ўқув режаси ва ўқувчилар сонига қараб амалий машғулотларни ўташ бўйича 80 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномалари ҳам тузилган. Тайёрланаётган мутахассислар учун ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил қилиш тизимли йўлга қўйилган. Битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида ўтган йили 558 нафар битирувчидан 486 нафари уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштирилган бўлса, 45 нафари ОАТБ “Агробанк”нинг Сиёб филиали томонидан ажратилган 80 миллион 590 минг сўмлик имтиёзли кредитлар асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқда. Яқинда Республика Марказий банки, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида «Банклар тадбиркорлар таянчидир» мавзусида ўтказилган танловда коллежимиз битирувчилари Сабина Аҳмедова ва Сарвиноз Беркинова фаол иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритди. Айтаверсак, ютуқларимизнинг адоғи кўринмайди. Мазкур ютуқ ва натижаларни бизга истиқлол инъом этмоқда.

**Сайёра БОБОЕВА,**
**Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи тиллар кафедраси мудири**

Илм-фан

# Бебаҳо сув набототи

## мамлакатимиз иқлимига мослаштирилиб, унумли фойдаланилмоқда

*Атроф-муҳит муҳофазаси, экологик барқарорликни сақлаш масалалари бугун дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этаётгани сир эмас. Бу борада олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Айниқса, истиқлол йилларида юртимизда ёш олим ва олималар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг илмий салоҳияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида барча шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилди. Бунинг натижаси ўлароқ, олимларимиз томонидан турли соҳаларга оид янгидан янги кашфиёт ва ихтиролар қилинмоқда.*

ЎзРФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти етук мутахассиси, биология фанлари доктори, профессор Рисқали Шоякубовнинг “Қишлоқ ва саноат корхоналари оқова сувларини сувўтлари ва сув ўсимликлари ёрдамида тозалаш биотехнологияси” наинки республикамиз, балки Россия Федерацияси, Украина, Грузия, Молдова, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари, шунингдек, узоқ хорижда ҳам муваффақиятли синовдан ўтиб, амалиётга татбиқ этилган. Қолаверса, ҳозирда мазкур технология бўйича Чирчиқдаги “Электрокимё” ишлаб чиқариш бирлашмаси, Жумабозор канопни қайта ишлаш корхонаси, “Сирғали” чўчқачилик комплекси, “Ўзбекистон” паррандачилик фабрикаси, “Гулистон-парранда”, “Шарқ”, “Қўқон спирт” ОАЖлари, Ангрен “Сувоқова” ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа бир қатор корхоналар фаолиятида муваффақиятли қўлланилаяпти.

Табиатда шундай ўсимлик турлари борки, уларнинг ғаройиб сир-синоатларини эшитгач ёки ўз кўзингиз билан кўрганингизда “ажабо” деб юборишингиз тайин. Лекин уларнинг ички олами, анатомик, физиологик, биологик, кимёвий моддалари таркиби ва хусусиятларини ҳамма ҳам бирдек билавермайди.

— Доно халқимизда “илм ўрганиш игна билан қудуқ қазиш билан баробар” деган нақл бор, - дейди Р.Шоякубов. — Ўттиз тўрт йилдан ошдики, тропик ва субтропик мамлакатлардан келтирилиб, табиий иқлимга мослаштирилган сув ва ботқоқ ўсимликлари - пистия, эйхорния, азолла турлари устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориб, истиқболли биотехнологияни ҳаётга татбиқ этишга эришдик. Мазкур биотехнология мамлакатимиздаги завод, корхоналардан чиқаётган оқова сувларни тоза, соф ва ярoқли ҳолга келтириб беради.

Маълумки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши, шаҳарларнинг кенгайиши, суғориладиган ерларнинг кўпайиши, аҳоли яшаш шароитларининг яхшиланиши ва бошқа омиллар сув таъминотида айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунданми, сувга бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораётир. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим масала эканлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш, шу жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Қолаверса, бугун сув ресурсларини муҳофаза қилишда янги, тежамкор технологиялар, сувдан фойдаланишнинг ёпиқ циклини жорий қилиш, оқова сувларни биологик тозалаш, экологик хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан арзон ҳамда самарали усулларини яратиш давр талабидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сув ҳавзаларига шартли тозаланган оқова сувларни эмас, балки биологик реабилитация қилинган сувни ташлаш зарур. Биологик реабилитация — экотизимни табиий даражада тиклаш демакдир. Ифлосланган сув ҳавзаларининг биологик реабилитацияси табиий тозаланиш жараёнлари—микроорганизмлар, ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг фаолияти ҳисобига амалга ошади. Пистия, эйхорния ва азолла эса бебаҳо сув ўсимликлари бўлиб, сув юзида қалқиб туради. Ушбу кўп йиллик ўтлар тропик ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган. Ҳозирги пайтда мазкур ўсимликлар Ўзбекистон шароитига муваффақиятли мослаштирилган бўлиб, очиқ сув ҳавзаларида кўпайтириб борилмоқда.

Бунинг яна бир қулайлиги шундан иборатки, аввалдан тайёрлаб қўйилган сув ҳавзаларига пистия кўчати экиб чиқилади. Асосий озуқаси заҳарли органик ва минерал моддалардан иборат бўлган пистия илдизлари аста-секин мустаҳкамланиб, барглари катталашади ва ўзидан кўп ҳажмда кислород чиқара бошлайди. Фойдали аэроб (фақат соф кислород бўлган шароитда яшай оладиган микроорганизмлар) фаол ривожлана бошлайди. Шундагина улар заҳарли микроорганизмлар кушандаси сифатида “жанг” га кира олади ва шундай йўл билан орадан 9-10 кун ўтгач оқова сув тўлиқ тозаланади.

Тажрибалар пистия, эйхорния ва азолла ёрдамида тозаланган сувни техник мақсад, яъни молхоналарни ювиш, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш, каноп поясини ивитиш ёки балиқчиликда ҳовузлар ҳамда очиқ сув ҳавзаларига чиқариб юбориш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, пистия сув, сув ўсимликлари ва ҳайвонларни заҳарли замбуруғлардан ҳам ҳимоялай олади. Бироқ, уни кўк массалигича чорва моллари ва паррандаларга озуқа сифатида бериб бўлмайди. Чунки унинг таркибида салмонелла, стафилаакок ва бошқа таёқчасимон микроблар мавжудлиги аниқланган. Бунинг учун “АВМ-0,65” қурилмаси ёрдамида ярим соат мобайнида 110 даража иссиқлик остида пистия кўк массасига ишлов бериш зарур бўлади. Бундай термик ишловдан сўнг сув ўсимлиги таркибида бирон-бир заарли микроорганизм қолдиғи аниқланмаган. Унинг бир килограмм қуруқ биомассаси таркибида эса 18,3% протеин, 3,4 % ёғ, 17,4% клетчатка, 153,6 миллиграмм каротин моддалари сақланиб қолади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, пистия нафақат атроф муҳитни соғломлаштириш, балки чорвачиликни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Яна бир фойдали ўсимлик — азоллани олиб қарайдиган бўлсак, у ҳам сув юзасида қалқиб ўсади ва узунлиги 0,7-1,8 сантимертгача етади. Барг тузилишига кўра, у юқори даражада ривожланган. Яъни, ҳар бир барги икки сегментдан иборат бўлиб, юқори сегменти яшил рангли, сув сатҳининг юза қисмида жойлашади. Сув остидаги пастки сегменти эса сувда эриган моддаларни сўриш учун хизмат қилади. Оқова сувларда ўстирилган азолла июнь-октябрь ойларида 1 гектар сув юзасида бир кеча-кундузда 1500-3000 килограммгача ҳўл биомасса бериши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пистия, эйхорния ва азолла айрим мамлакатларнинг ботаника боғларида манзарали ҳамда аквариум ўсимлиги сифатида ўстирилади. Бундан ташқари пистия биомассасидан дори-дармонлар, эйхорниядан қоғоз, биогаз ва спирт олиш мумкин. Азолладан эса атмосферадаги азотни тўпловчи “яшил ўғит”, шоли ҳосилдорлигини оширувчи ва тупроқ унумдорлигини яхшиловчи воситалар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, парранда, балиқ ва ёввойи қушларни боқишда оқсил-витаминли минерал озуқа сифатида фойдаланиш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, ушбу сувўтлар оқоваларни тозалаб берувчи, сифатли ва озуқабоп, табиатнинг бебаҳо неъматидир.

**Марҳамат МАТВАФАЕВА,**
**биология фанлари номзоди, ЎзРФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ходими**

Орамиздаги одамлар

*Инсон умрини оқар сувга менгзашади. Умрнинг етмишинчи бекатига етиб келган Усмон ака ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўришга улгурди ва у донолар у эшикдан бу эшикка кириб чиққунча вақтга тенглаган умри давомида китоб ҳақиқатдан ҳам инсон учун энг садоқатли дўст эканлигини англади.*

# Усмон аканинг “дўст”лари

## китоб — доно ҳамроҳ

— Одамзотнинг ёши улғайгани сари ўқийдиган китобларининг мавзуси ҳам ўзгариб бораверар экан, - дейди Усмон ака. — Кейинги йилларда кўпроқ тиббиёт, хусусан, халқ табобатига доир китобларга мурожаат қилаяпман. 90-йиллардан кейин мени бадиий-тарихий китоблар ўзига жалб қилди. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ шиддатли кечган ҳаётимизнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишларига доир янгиликлар эътиборимни иқтисодга оид китобларга рўбарў қилди. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари, назаримда, ҳар бир хонадоннинг китоб жавонидан ўрин олиши шарт. Зеро, ҳеч қайси юртда маънавиятга эришмай туриб, юксак иқтисодга эришилмаган.

— Кутубхонангизда анча-мунча китоблар йиғилганга ўхшайди, - сўрайман Усмон акадан.

— Менинг йиққаним ҳам, болаларимга қолдирадиганим ҳам мана шу китоблар, - дейди суҳбатдошим.

Бироқ мен Усмон аканинг шахсий кутубхонасида беш мингга яқин китоб борлигини эшитганман. 80-йилларда бир китобхоннинг Усмон акага китоблари эвазига “Жигули” автомашинасини таклиф қилганидан ҳам хабардорман. Табиийки, таклиф эгаси рад жавобини олган эди.

«Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир миллатнинг ўрни ўша миллат ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади», деган эди фаранг олими Эдуард Лабуле. Ана шу кўламда Сирдарёнинг Ховос шаҳарчасидаги “Чаманзор” маҳалласида истиқомат қиладиган Усмон аканинг ҳам ўз ўрни борлигига шубҳа қилмаймиз.

Усмон аканинг болаликдан китоб билан дўст тутунишига нима сабаб бўлганлигини аниқ билмайман. Бироқ у кишининг оталари Дархон Мирзаевнинг бой кутубхонаси Усмон аканинг китоб оламига киришига сабаб бўлганлиги бор гап.

— Дадамнинг анча-мунча китоблари бор эди. Қўллари очиқ бўлганлиги учун уларни, асосан, таниш-билишларига тарқатганлар. Менга битта ҳам китоб тегмаган, — кулиб эслайди Усмон ака.

Баъзилар билан суҳбатлашсангиз суҳбат дарров совигандек бўлади. Усмон ака билан эса соатлаб суҳбатлашсангиз ҳам кам. У киши суҳбатдошининг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, суҳбат нишабини исталган ўзанга сола олади. Умар Ҳайём, Саъдий Шерозийдан рубоийларни ёддан айтиб, кўнглингиз чигилларини ёзиб юборади. Суҳбатдоши ким бўлишидан қатъий назар, врачми, муҳандисми, муаллимми, бемалол теппа-тенг баҳслаша олади.

Китобни унинг қадрини билмайдиган кишининг ҳаётига зўрлаб тиқиштириб бўлмайди, албатта. Китоб кишининг кўнгил эҳтиёжига айланганидагина қудратли кучга айланади, одам боласининг қалб кўзига нур беради, юракнинг қат-қатида чўкиб ётган ёвузлик уруғини қуритади.

— Айрим кишилар билан суҳбатлашгандан кўра, китобга “беркиниб” яшаган (албатта, кўнгилга озиқ бера оладиган китоб бўлса) маъқул, - дейди Усмон ака.

«Тарбияга уч асос: санъат, оммавий ахборот воситалари, китобдек ҳеч нарса таъсир кўрсата олмайди. Қолган ҳамма нарса шу уч асосга таянади». Ҳар гал Усмон ака билан суҳбатлашганимда юқоридаги жумла исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлигига иймон келтираман ва беихтиёр бир хорижлик ҳофизнинг «Демак, сен болалигингда керакли китобни ўқигансан» сўзлари билан тугалланадиган ашуласини эслайман. Эркин Воҳидовнинг шеърий тўпламлари тўла жилди, Саъдий Шерозий, Умар Ҳайём асарлари, Ҳ.Худойбердиеванинг дардли шеърияти, бадиий адабиётнинг бошқа сара китоблари, чет эл классикасидан намуналар, илмий-техникавий, илмий-оммабоп китоблар, «Квантовая библиотека» туркумидаги журналлар сонлари, Фанлар Академияси йилномалари, Ўзбек энциклопедиясининг ҳамма жилдлари мавжуд унинг кутубхонасида.

Шундай бўлса-да, беш минг китобдаги фикрлар оламида ақлини чархлаган Усмон ака “фақатгина техник йўналишдаги олий маълумотим, рисоладагидай яшаш учун камлик қиларкан. Ёшликда ҳеч бўлмаса яна ҳуқуқшунослик бўйича ҳам илм олмаганимга пушаймон бўламан” деб нолиб ҳам қўяди.

“Японияда ҳар бир хусусий фирманинг рамзий байроғи, мадҳияси бор экан. Эрталаб байроқ кўтарилиб, мадҳия янграгач, ишга киришилар экан”.

“Хорижий давлатларда муҳандислар ҳар йили ўз иш жойида катта-катта лойиҳалар тақдим этмаса, нафақат ишдан бўшатилади, балки дипломидан ҳам маҳрум бўларкан”...

Усмон аканинг сўнгги гапи менга Дени Дидронинг «Одамлар китоб ўқимай қўйсалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар», деган сўзларини эслатди. Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан буён унинг ақлу заковати ила авлодлар камоли учун хизмат қилаётган энг буюк кашфиётлардан бири китоб чоп этиш бўлди, десак хато бўлмайди. Дунёга машҳур инсонлар ҳам бу ҳақиқатни бот-бот такрорлаб, ҳаётда ўзлари эришган маънавий юксакликлар учун китобдан миннатдор бўлишган. Афсуски, бугунги ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам бу оддий ҳақиқатни англаяпти, дея олмаймиз. Асосий вақтларини хорижда яратилган жангарилик, зўравонлик, беҳаёликни тарғиб қилувчи кинофильмларни кўришга, компьютер экрани қаршисида бефойда ўйинлар ўйнаб ўтиришга сарфлаётган айрим ёшларимиз олис хорижда ўқувчиларнинг ўз дўстлари, устозларига қурол ўқталиб туришлари оддий одатга айланиб қолаётганлиги ниманинг оқибати эканлиги ҳақида бош қотириб кўришса ёмон бўлмасди. Бегона ўт уруғини экиб туриб ҳам ундан буғдой олса бўлади, деб хаёл оғушида юрган айрим ота-оналаримиз-чи? Улардан бир сўраб кўринг-а, ўз ўғли ёки қизига, умрининг давомчисига охирги марта қачон бадиий китоб сотиб олиб берди экан.

Ҳар бир оилага иқтисодий, техникавий, тиббий билимлар кириб бориши кераклигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Китоб — билим манбаи, деб кўп такрорлаймиз. Бу ҳақ гап. Билимни китобдан, у бадиий бўладими, илмийми фарқи йўқ, фақат китобдан оласиз. Ҳа, ҳали ҳеч нарса инсонни китобдек илм билан сийлаган эмас. Бинобарин, ҳеч қачон, ҳеч нарса китобни инсоннинг маънавий ҳаётидан суриб чиқаролмайди. Бу ҳақиқатни келажагимиз эгалари бўлмиш болалар онгу шуурига сингдиришимиз лозим.

Шифохонага бемор кўргани борганингизда эътибор берганмисиз, умрида қўлига китоб ушламаган киши ҳам дуч келган китобни ўқишга тутинади. Бемор кўргани борганда, айниқса, болаларни йўқлаганда халталарни тўлатиб егулик ташигунча китоб олиб борсак бўлмайдими? Ҳар бир бемор учун биттадан китоб борганда ҳам шу шифохонада мўъжазгина кутубхона пайдо бўлади-ку. Гуржиларда “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асари бўлмаган қизлар сепи тўлиқ ҳисобланмас экан. Бизда қизларимиз сепига қўйишга арзийдиган дурдона асарлар камми?

Дарвоқе, Усмон ака билан бўлган китоблар хусусидаги сўнгги суҳбатимизда у киши китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида гапира туриб, шундай деди:

— Шаҳримизда кўплаб инсонларни биламан, кутубхонаси жуда бой. Жумладан, Мурод ака Обидовнинг кутубхонасида қимматбаҳо, жуда ноёб китоблар кўп. Неъмат Нурбеков, Анвар Чимборисов, Нуриддин Бобохоновлар билан илк бор суҳбатлашганимда «кўп китоб ўқиган» деган фикр беихтиёр хаёлимдан ўтганди. Адашмаган эканман, ҳар бирининг яхшигина кутубхонаси бор экан.

Усмон аканинг китобхонлигию, кутубхонасининг бойлиги ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Мухтасар қилиб, Усмон акани ўзлигини англашга, инсон қадр-қимматини қадрлашга, ҳаётни тузукроқ идрок этишга ҳам унинг тилсиз дўстлари ўргатган десак, оддий ҳақиқатни тан олган бўламиз.

**Сафар ХОЛБОЕВ,**
**Сирдарё вилояти**

**Бизнинг шарҳ**

# “ҚОРА ТРАНСПЛАНТОЛОГЛАР” БОЗОРИ ТЎХТАМАЯПТИ

**инсон ички аъзолари савдоси дунёнинг ўнлаб мамлакатларида кенг тарқалмоқда**



***Европа Вазирлар кенгаши қўмитаси жорий йилнинг июль ойида “Европа кенгашининг инсон аъзолари билан савдо-сотиқ қилишга қарши конвенцияси”ни қабул қилди. Айрим мутахассисларнинг фикрича, эндиликда, бу кўҳна қитъада бундай нохуш ҳолатларга чек қўйилади ва трансплантация билан шуғулланган шахслар жиддий жазога тортилади.***

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, сайёрамизда йилига 130 минг нафарга яқин инсон ички аъзолари қайта кўчириб ўтказилади. Бундай жарроҳлик амалиётига муҳтожлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Айрим хабарларга қараганда, ҳозир йилига 15 мингдан 20 мингтагача ноқонуний трансплантация ишлари амалга оширилмоқда. Шу ўринда Польша матбуотида эълон қилинган бир маълумотни келтириш жоиз. Ҳозир қора бозорда буйрак 150 минг, терининг ҳар 10 квадрат сантиметри 15 минг, жигар 100 минг, юрак 119 минг, ўпка 300 минг, қоннинг бир литри 44 мингдан 590 минггача, кўз гавҳари 24 минг долларгача этиб белгиланган.

Хитой матбуотининг ёзишича, бу мамлакатда яшовчи икки миллионга яқин бемор ички органларини алмаштириш учун рўйхатга ёзилган. Ички органларнинг етишмаслиги туфайли йилига бор-йўғи 20 минг нафаргача бемор жарроҳлик столига ётқизилмоқда. Покистон айни пайтда тирик донорларнинг ички аъзосини кўчиришга рухсат берилган дунёдаги ягона мамлакат эканини таъкидлаш жоиз. Жанубий Осиёдаги бу мамлакатда навбат кутишга ҳожат йўқ. Ҳар бир бемор аэропортга қўниши билан бир ҳафтадан сўнг жарроҳлик амалиётидан ўтказилади. Барча хизматлар учун, бунинг ичида меҳмонхона, овқатланиш, транспорт хизмати ҳам бўлиб, 12 ярим минг доллар тўланади, холос.

Трансплантация туризмига айланган Хитойда эса мабодо буйрак зудлик билан навбатсиз кўчириладиган бўлса, 50 минг долларгача маблағ тўлашга тўғри келади. Шифокорларнинг таъкидлашича, ўлган одамнинг буйраги қайта кўчирилгач, 10 йилгача, тирик одамники билан эса 25 йилдан ортиқ умр кечириш мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида таъкидланишича, дунё миқёсида йилига 100 мингтадан ортиқ ички аъзолар алмаштирилаётган бўлса, улардан бешдан бир қисми сотилган ёки харид қилинган, деб ҳисобланади. АҚШ мисолида оладиган бўлсак, океанортидаги бу мамлакатда ҳозир тахминан 100 мингдан ортиқ фуқаро навбатга ёзилган. Бу мамлакатда ички органлар савдо-сотиғи қонун томонидан жиддий назоратга олинган. Қонунга итоат этмаганлар 20 минг доллар жаримага тортилиш билан бирга, беш ярим йил муддатгача озодликдан маҳрум этилиши кўзда тутилган. "Apple" корпорацияси асосчиси Стив Жобс минглаб одамлар жигарини алмаштиришга маҳтал бўлиб турган пайтда катта пул эвазига ўз аъзосини “янгилаб” олди. Барибир унинг умри қисқа экан — саратон касаллиги унинг умрига завол бўлганди.

Яқинда Ватикан раҳбари Франциск бу ўлкада ташкил этилган иккинчи халқаро анжуман қатнашчиларига мурожаат қиларкан, айни пайтда икки ярим миллиондан ортиқ инсон одам савдоси қурбонига айланганини айнан жиноий гуруҳлар улардан йилига 32 миллиард доллардан мўмай даромад топаётганига эътибор қаратди. 22 мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, Европол ва Интерпол вакиллари иштирок этган симпозиумда сўзга чиққанлар инсон ички аъзолари савдосига чек қўйишда аввало, ривожланган давлатлар жиддий эътибор беришлари ва бу борада, айниқса, Африка қитъасига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкидлашган.

Мексикадаги наркобизнес билан шуғулланувчи наркокартеллар ҳам гиёҳфурушликдан ташқари, инсон ички аъзолари савдоси билан шуғулланаётгани ташвишли ҳол. Мексика ҳукумати томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида яқинда “Тамплиерлар ордени рицарлари” номини олган гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Тергов чоғида жиноятчилар ноқонуний инсон ички аъзолари савдоси билан шуғулланганлигига иқрор бўлган.

БМТ томонидан тарқатилган маълумотга қараганда, дунёнинг қашшоқ мамлакатларида кўпчилик ўз ихтиёри билан ички аъзоларини сотишга мажбур бўлаётир. Асосан буйрак бозори жуда чаққон. Ўзига тўқ беморлар ҳар бир буйрак учун 200 минг долларгача маблағ тўлаётгани ҳам рост. Аслида бу аъзо Хитой, Ҳиндистон, Филиппин, Покистонда яшаётган камбағаллардан бор-йўғи 5 минг долларга сотиб олиняпти. Айниқса, қанд диабети, гипертония, юрак-қон томири касалликларига дучор бўлган беморлардан соғлом ички аъзоларга буюртмалар кўп тушмоқда. 2010 йилнинг ўзида дунё бўйича 106 минг 879 та қонуний равишда инсон аъзолари қайта кўчирилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакили Люк Ноэльнинг тасдиқлашича, шундан 10 фоизи ноқонуний равишда амалга оширилган.

Испанияда ҳам “қора трансплантолог”ларга қарши кескин ўт очилаётир. Расмий Мадрид бу жараён фақат қонуний йўл билан амалга оширилиши керак, деб ҳисобламоқда. Депутатлардан бири донор бўлиш истагидаги ҳар бир европаликка буюртма бериш чоғида паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини тақдим этиш таклифи билан чиққан. Тан олиш керак, йилдан-йилга донорлар орасида бевақт ҳаётдан кўз юмаётганлар сони ортиб бораяпти. Трансплантацияга муҳтож беморларнинг 30 фоизи навбати етмай жон таслим қилмоқда.

Маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир Испанияда ҳар миллион аҳолига ўртача 34, Руминияда эса бор-йўғи 1 нафар донор тўғри келаётир. Бунга Европа Иттифоқи мамлакатларида донорлик борасида белгиланган чекловлар халақит бермоқда. Испания ҳукумати инсон аъзолари савдоси билан боғлиқ машмаша устида тергов ишларини олиб бормоқда. Жиноий гуруҳ ноқонуний муҳожирларга ҳар бир жигарнинг бўлагига 40 минг евродан маблағ таклиф этган.

Пиреней ярим оролидаги бу давлатда беш кишидан иборат жиноий гуруҳ ушланган. Испания қонунига мувофиқ, бу жиноят билан шуғулланган ҳар бир фуқарога қамоқ жазоси берилади. Маълум бўлишича, жиноий гуруҳ ўз клиникаларида кўплаб ноқонуний операциялар ўтказишган. Ҳозир клиниканинг ҳисоб-рақами музлатиб қўйилиб, ходимлар тергов қилиняпти. Испания қонунчилигига мувофиқ, мамлакатда фақат бир шарт билан — ҳалок бўлган донор унинг яқинлари розилиги билан ички органи кўчирилиши мумкин. Валенсия шаҳрида ички аъзоларини сотишга розилик берган беш фуқаронинг ҳар бирига 15 минг евродан маблағ ваъда қилинган.

Япониялик олимлар ноқонуний трансплантология ишларига барҳам беришлари мумкин, деб айтишмоқда. Улар инсон умуртқа поғонасидан буйрак тўқималарини ўстиришнинг уддасидан чиқишди. Кумамото университети олимлари лаборатория шароитида сичқонлар устида тажриба ўтказиб, икки миллиметр узунликдаги буйрак тўқимасини тайёрлашга муваффақ бўлишди. Японлар инсоннинг бошқа ички аъзоларини сунъий равишда тайёрлаш борасидаги тадқиқотларини давом эттиришмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, дунёнинг турли мамлакатларида трансплантологиянинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд. Буюк Британияда донор бўлиш учун соғлиқни сақлаш миллий хизмати идорасида рўйхатдан ўтиб, сурати туширилган донор ҳужжатини олишга тўғри келади. Рўйхатда қайд этилган донор ўлганидан сўнг унинг аъзолари яқинларининг розилиги билан бошқа инсонга кўчирилиши мумкин. Австрияда ҳар бир инсоннинг донор бўлишига рухсат берилади. Унинг ички аъзоларини қайта ўтказиш учун яқинларининг розилигини олиш шарт эмас. Эронда инсон буйрагини сотиш қонун орқали мувофиқлаштириб турилади. Унинг ўртача баҳоси 5-6 минг долларни ташкил этади. Озарбайжонда “Инсон аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш” тўғрисидаги қонун қабул қилинган бўлса-да, бироқ унда ички аъзолар билан савдо-сотиқ қилиш кўзда тутилмаган. Маълумотларга қараганда, ҳозир Озарбайжонда 5 минг нафарга яқин бемор ўз аъзосини алмаштириш учун рўйхатга ёзилган.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ер силкиниши

**Яқинда Хитойнинг жануби-ғарбида юз берган кучли зилзила оқибатида қарийб 400 киши ҳалок бўлган, икки мингдан зиёд киши жароҳат олган.**



АҚШнинг Геологик тадқиқотлар агентлиги маълумотига кўра, магнитудаси 6,1 баллга тенг ер силкиниши Юньнань вилоятида рўй берган. Зилзила ушбу ҳудудга яқин жойлашган Гуанжоу ва Сичуань вилоятларида ҳам сезилган. Хитой маҳаллий нашрларининг хабар беришича, ер силкиниши оқибатида 12 мингта бино қулаган, 30 мингдан зиёди шикастланган. Электр таъминоти ва алоқа линияларида узилишлар юз берган. Ҳукумат зилзила рўй берган ҳудудга 2500 нафар ҳарбий ҳамда қўшимча полиция ва ўт ўчирувчи гуруҳларни юборгани хабар қилинмоқда. Хитойнинг жануби-ғарбий минтақаси сейсмик фаол ҳудуд ҳисобланади. Эслатиш жоиз, 2008 йили Сичуань вилоятида рўй берган кучли ер силкиниши оқибатида 70 мингга яқин киши ҳалок бўлган.

## Ноқонуний муҳожирлар кўпайган

**Ўтган ҳафта давомида Италия қирғоқларига олиб келинган африкалик ноқонуний муҳожирлар сони 2700 нафарга етган.**



Куни кеча эса Таранто портига Шимолий Африкадан чиққан 1300 нафар ноқонуний муҳожирлар келтирилган. Кичик қайиқларда йўлга чиққан муҳожирлар қирғоқ қўриқлаш хизмати томонидан тутиб келтирилган. Кеча Салерноga Европага интилаётган яна 1200 киши келтирилиши керак эди. Италияга ана шу йўл билан келган одамлар сони жорий йилнинг бошидан буён 93 мингдан ошган. Муҳожирлар сони ёзда кескин ортиб кетган.

## Ҳарбийлар тарк этган

**Исроил ўз қўшинини Ғазодан олиб чиққанини билдирган.**



Исроил армияси расмийларининг фикрича, 5 август куни маҳаллий вақт билан эрталабки соат 8 да барча исроиллик аскарлар Ғазони тарк этганини маълум қилган. Хабарларга кўра, Ғазодаги ҳарбий амалиётлардан мақсад Хамас ва бошқа радикал гуруҳларни яксон этиш ҳамда улар барпо этган ерости йўлларни вайрон этиш бўлган ва бу мақсадга эришилган. Эслатиш жоиз, Ғазода қарийб бир ойдан буён давом этаётган ўзаро курашларда 1800 нафардан ортиқ фаластинлик ҳалок бўлган. Уларнинг аксари оддий фуқаролардир. Исроил томонидан эса 64 нафар ҳарбий ва тўрт нафар оддий фуқаро нобуд бўлган.

## Ўрмонлар олов ичида

**Швеция тарихидаги энг катта ёнғин тобора авж олмоқда.**



Мамлакат марказида беш минг гектар ўрмон олов ичида қолган. Офат яна шунча ҳудудни ишғол қилиши тахмин қилинмоқда. Ҳукумат томонидан фавқулотда ҳолат эълон қилинган. Ҳозир Норберг шаҳри аҳолисини хавфсиз ерларга кўчириш ишлари бошланган. Ёнғин мазкур шимолий шаҳар учун хос бўлмаган юқори ҳарорат оқибатида келиб чиққан.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди*

**Рангин дунё**

# Япон мумтоз театрлари

***Театр — тарбия маскани, маънавият сарчашмасидир. Унинг саҳнасида асл қадриятлар, тарихий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга молик жараёнлар, жамиятнинг айрим камчилик ва иллатлари юксак бадиий савияда намойиш этилади. Бу томошабин учун ўзига хос кўзгу вазифасини ўтайди. Қолаверса, театр ёши, ирқи ва ижтимоий келиб чиқиши турлича бўлган инсонларга ахлоқий-эстетик таъсир ўтказишнинг қудратли воситаси ҳамдир.***



Ибтидоий давр одамларининг меҳнати ва дунёқарашлари билан боғлиқ маросим, байрам ҳамда ўйинлар сабаб театр санъатига асос солинди. Маълум бир қиёфани гавдалантириш, тақлид, ниқоб, эзгу ва ёвуз кучларнинг ўзаро тортишувини акс эттириш, диалог каби унсурлар театрни янада мукаммал санъат турига айлантирди. Театрнинг соф томоша шаклидаги кўриниши дастлаб қадимги Шарқда юз берган. Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Хитой, Индонезия, Япония, Корея, Бирма, Вьетнамда театр томошаларининг хилма-хил шакллари кашф этилди.

Япон маданияти, адабиёти ва санъати ҳам қадимий тарихга эга. Гарчи, бу маданият бошқа қадимий халқлар, айниқса, хитойликлар таъсирига учраган бўлса-да, унинг илдизидаги япон халқига хос эстетизм доимо сезилиб туради. Буни миллий анъаналарни ўзида мужассам этган япон саҳна асарларида ҳам кўриш мумкин. Бугаку, Но, Кёген, Бунраки ва Кабуки номлари билан машҳур япон миллий театрлари мазмун ва ижро услуби жиҳатидан ўзаро фарқланса-да, ягона эстетик мақсадни томошабинга етказа олади. Маълумки, Осиёдаги мумтоз театрларда рақс, мусиқа ва лирик баён алоҳида аҳамиятга эга. Япон театр санъатининг бешта жанри ҳам ана шундай ҳамоҳангликка амал қилади.

Мазкур жанрлар орасида Бугаку ижро услуби жиҳатидан ажралиб туради. Бундай услуб асосан маросимбоп рақс кўринишида намоён бўлиб, унда саҳна элементлари камроқ, мусиқа эса асосий ўринни эгаллайди. Бугаку рақсларининг илдизи Марказий Осиёга бориб тақалади, кейинчалик у ҳинд, корейс, хитой элементлари билан бойитилган ҳолда Кунчиқар мамлакат “мулки”га айланган. Қолган миллий шаклдаги томошалар, саҳна асарлари Япония тарихида турли даврларда кечган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар маҳсулидир. Лекин уларнинг барчаси Осиё маданиятига хос бўлган рамзийлик, хаёлий тасаввур ва драматик тамойилларга асосланади. Шу жумладан, Но театрларида ўйналадиган пьесалар матнида воқеликнинг хаёлий тасаввур тасвири мавзунинг ўзагини ташкил этади.

Умуман олганда, япон мумтоз театрининг шаклланишида деҳқонлар байрамида ижро этилган мусиқали рақс томошалари ҳам яқиндан ёрдам берган. Масалан, қадимий Эдо (ҳозирги Токио)ни эслатувчи “Генроку ханами одори” (Сакура гулларидан завқланиш) рақсини олайлик. Генроку (XVII аср охири — XVIII аср боши) даврида яралган бу рақс гуллардан баҳра олишни англатган. Шу ва бошқа рақс турлари, асосан, Обон (японларда ўтганларни хотирлаш фестивали) маросими муносабати билан ижро этилган.

“Цурионна” рақси Кабуки театрининг “Цурибари” (Қармоқ) пьесаси асосида яратилган. Асарда икки бўйдоқ - амалдор ва қаҳрамон Тарокаджя Эбису ибодатхонасига йўл олади. Уларнинг иккови ҳам ўзи учун инсофли умр йўлдош талабида. Бутхонада қармоққа дуч келган икковлон буни Эбису худосининг туҳфасига йўяди. Биринчи бўлиб амалдорнинг қармоғига гўзал бир келинчак илинади. Тарокаджя ҳам амалдорга тақлидан қармоқни сувга ташлайди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у ҳам ўз маҳбубасини тутиб олади. Қилган ишидан мамнун Тарокаджя келинчакнинг юзидаги рўмолини очиб, чекига хунуккина бир аёл тушганини кўради. Рақснинг биринчи қисми амалдор ҳамда қаҳрамон Тарокаджянинг суҳбати, Кеген (мумтоз комедия) услубидаги кичик рақс ва баллададан иборат. Иккинчи қисмида эса Тарокаджянинг ғайриоддий ҳаракатларини акс эттирувчи жонли рақс ижро этилади. Якуний қисм таъвия аёл ва Тарокаджя иштирокидаги комедик саҳна кўринишларини ўз ичига олган ранг-баранг композициядан таркиб топган.

“Ренжищи” (“Икки шер”) рақси Но театрининг “Ишибаши” пьесаси асосида яратилган. Ундаги шер Хитой афсонасидан олинган бўлиб, икки ижрочи афсонавий тош кўприк устидаги наъра тортаётган шерларни акс эттиради. Айтишларича, шерлар болаларининг қўрқмас ва жасур бўлиб вояга етишлари учун уларни узоқ водийга олиб бориб ташлашар, уйига қайтиб кела олганларинигина тарбиялашда давом этаркан. Рақсда ушбу образларни яратиш учун актёрлар ота-шер ва бола-шер костюмларида пайдо бўлишади. Рақс сўнггида улар ҳақиқий шерларга айланиб, ёлларини силкитиб, ўз кучи ва ҳайбатини намойиш этади.

Бугунги кунда япон замонавий театр санъати анъанавий (бугаку, но, кабуки, дзёрури) ҳамда Европа типидаги театрлар (драма, опера, балет)га бўлинган ҳолда фаолият олиб боради. Бугаку театри анъаналари япон мумтоз мусиқаси ва рақси ривожига асос бўлган бўлса, XX аср бошларида Европага хос сингеки (драма) театри йўналиши шаклланди. Шундан сўнг, Токиода “Родо гекидан”, “Сукизи сёгекидзё” ва “Ҳаюза” театрлари вужудга келди. Уларнинг репертуаридан миллий драматурглар Кобо Абе, Кояма Юши пьесалари ўрин олди.

1966 йили Токиода «Кокурицу гекижо» миллий театр маркази ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси япон мумтоз театрига хос анъанавий жанрларни сақлаш ва ривожлантиришдир. Айтиш жоизки, қадимги япон театрлари асримиз бошидаёқ халқаро эътирофга эришди. Асрларни қаритган Ногаку (2001), Нингё дзёрури бунраку (2003) ва Кабуки (2005) театрлари ҳақли равишда ЮНЕСКОнинг Инсоният оғзаки ижоди ва номоддий мероси дурдоналари рўйхатидан ўрин эгаллади.

**Зафар МУҲАММАД**



Қадриятларимиз

# Мунчоқни кимга солай?

**миллий ўйинларимиз момолар талқинида**



***Халқимизнинг узоқ ўтмишда яратилган, ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган ва миллатнинг келгуси истиқболида ҳам муайян аҳамият касб этиши муқаррар бўлган урф-одат, анъана ва қадриятлари бўлади. Миллий халқ ўйинлари ҳам ана шундай қадриятлар сирасига киради. Ўзининг вужудга келиши ва ривожланишига кўра халқ ўйинлари ғайри оддий ҳодиса эмас, балки халқнинг ҳаётини муайян акс эттирадиган, жамият тараққиётининг қонунлари билан белгиланадиган мақсадли фаолиятдир. Халқ ўйинлари халқ ижодиётининг ўзига хос жанри бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Ўйинлар халқ томонидан яратилган ва кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларни ўзида акс эттиради.***

Узоқ асрлик тарихга эга миллий халқ ўйинлари ўзининг жозибаси, ранго-ранглиги, ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик ва руҳий тарбиядаги ўрни билан беқиёс аҳамиятга эга. Ўйинлар ҳеч вақт эрмак бўлмаган, балки кишининг гўдаклигидан ўсиб-улғайгунича энг муҳим тарбия воситаси ҳисобланган. Фарзандлар камолга етгунча ўйинлар орқали ҳаёт воқеалари, табиат ҳодисалари, сўз қудрати, инсоний муносабатларни ўрганган.

— Ёшлигимизда тенгдошларимиз, маҳалла болалари билан ўйнаган ўйинларнинг завқи ҳамон ёдимда, - дейди Бахмал тумани Шўрбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Болбувиш ая Ғойипова. — Яқин-яқингача ҳам бу ўйинлар воҳамизнинг деярли ҳамма ҳудудида ўйнаб келинган. Мавсумий ёки байрам ўйинларидан фарқли ўлароқ, бу ўйинларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларни истаган вақтда, ҳеч бир тайёргарликсиз бемалол ўйнаш мумкин. Лекин, бугунги кунда невараларим, қўни-қўшнимнинг болалари компьютердан бери келмайди. Ахир, зийраклик, эпчиллик, донолик, топқирлик бобида халқона ўйинларга энг зўр компьютер ўйини ҳам тенг келолмайди, - дейди момо.

Унинг эътирози анчайин ўринли. Чунки компьютер ўйинларининг кенг тарқалиб, оммалашиб кетгани аксарият ёшларнинг бўш вақтини банд этмоқда. Ачинарлиси, бу нарса уларнинг жисмоний саломатлиги, маънавий онги ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз вақтни бой бермай, момодан Жиззах воҳасида қадим-қадимдан ўйналган ва бугунги кунга келиб унутилаётган ўйин шартлари ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида билганларини айтиб беришини сўрадик.

Онахоннинг айтишича, ушбу ўйинлар вилоятнинг ҳар бир туман, қишлоқ ёки маҳалласининг ўзида қатнашчиларнинг хоҳиш-истагига кўра ўйналган. Шундай унутилиб кетган ўйинлардан бири "Бойнинг қизи" ўйинидир. Бу ўйин қизлар ўйини бўлиб, унда иштирокчилар сони чекланмаган. Ўйин бошланишидан олдин қуръа ташлаш йўли билан бир нафар бойнинг қизи аниқланади. Қолган иштирокчилар уни ўртага олиб, қўл ушлашиб, айланганча:

**Бизлар кимнинг қизи?**
**Бизлар бойнинг қизи.**
**Бойнинг қизи хўп чаққон,**
**У бугун овга чиққан.**
**Уни кўрган заҳоти,**
**Қимирлама, тошдек қот!**

дея қўшиқ айтилади. Қўшиқ тугаши билан бойнинг қизидан бошқа ҳамма тошдек қотади. Бойнинг қизи эса уларни синчковлик билан кузатади. Кимдир қимирлаганини сезса, ўшанга ўз хоҳишига қараб, қўшиқ, шеър айттириши ёки рақс тушишни шарт қўйиши мумкин. Бунда бой қизи иштирокчидан нима сўраса, иштирокчи шуни бажариши лозим бўлади. Ҳар уч нафар иштирокчидан сўнг, қуръа ташлаш йўли билан бойнинг қизи алмашиниб туради. Ўйиннинг фойдали томони шундаки, у иштирокчиларга зийраклик, топқирликни ўргатади, завқ беради. Қўшиқ, шеър айтишга ва рақс тушишга бўлган иштиёқини оширади.



"Кимга солай?" ўйини ҳам қизларга хос ўйинлардан бири бўлиб, ўйин уч ва ундан ортиқ иштирокчилар ёрдамида ўйналади. Ўйин учун кичкина мунчоқ (баъзан тош) донаси керак бўлади. Ўйинни бошлаб берувчи қиз икки кафти орасига мунчоқ донасини яширади. Қолган иштирокчилар бир қатор бўлиб, кафтларининг пастки қисмини туташтириб, тепасини хиёл очиқ ҳолда тутиб ўтиришади. Мунчоқ яширган қиз иштирокчиларнинг очиқ қўлига кафтини теккизиб, қўшиқ айтади.

У иштирокчилар ичидан хоҳлаганининг кафтига сездирмай мунчоқни солади. Мунчоқни олган қиз ҳам буни ҳеч кимга билдирмаслиги лозим. Кейин эса пайт пойлаб ўрнидан туриб қочади. Уни қайси қиз тутиб, мунчоқни олса, ўша иштирокчи мунчоқ солувчи бўлиб, қўшиқни айтган ҳолда ўйинни давом эттиради. Мунчоқ кимга берилганини сезган бирор бир иштирокчи уни олган қизнинг ўрнидан туришига улгурмай туриб ушлаб олиши, мунчоққа эгалик қилиши ва мунчоқ солувчи бўлиши мумкин. Мунчоқ солувчи эса ўзи хоҳлаган иштирокчи қизнинг қўлига уни солади.

"Деворга урди" (баъзида бу ўйин "Бўёқчининг ўғли", "Дарвоза тақиллатар" деб ҳам номланади) ўйини ўғил ва қиз болалар билан ўйналади. Бунда иштирокчилар сони камида ўн нафарни ташкил этади. Ўйновчилар орасидан сардор ва бўёқчининг ўғли сайлаб олинади. Ўйин майдонининг тахминий чегараси, девори ва дарвозаси белгиланади. Бўёқчининг ўғли дарвоза ортида турганида, ўйинбоши қолган иштирокчиларни турли ранглар билан номлаб, ранг номларини секин уларнинг қулоғига айтиб чиқади. Иштирокчиларнинг қайси бири қанақа ранг билан номланганини бўёқчининг ўғли эшитиб қолмаслиги керак. Ҳатто иштирокчиларнинг ўзлари ҳам ким қайси ранг эканлигини бир-бирларидан сир тутади. Шундан сўнг, бирор керакли рангни олиб келиш учун бўёқчи ўғлини ўйинбошининг олдига жўнатганлигини айтади ва ўзига керакли бирор рангни, масалан, яшилни (яъни иштирокчини) сўрайди. Бўёқчининг ўғли келганида, ўйинбошининг буйруғига биноан хаёлан оёғини деворга уриши ва бироз оқсоқланиши керак бўлади. Шу йўл орқали у иштирокчиларда ўзига ишонч уйғотишга интилади.

Ўйинда шу рангдаги иштирокчи бўлмаса, бўёқчининг ўғли бошқа рангни танлашига тўғри келади. Ўйновчилар орасидан керакли ранг танлаб олинганидан сўнг, бўёқчининг ўғли у билан савол-жавоб қилиши керак бўлади. Яъни, иштирокчининг нима ишлар қилиб юргани, қаерларга боргани каби ҳар хил чалғитувчи саволлар бериб синайди. Аммо, қулай вазият туғилиши билан қўли ёки кийимидан тутиб олиш ва олиб кетишга ҳаракат қилади. Иштирокчи эса унинг қўлига тушиб қолмаслик учун сергак туриб саволларга жавоб бериши, иложи борича тезроқ қочиб кетишга ҳаракат қилиши керак. Лекин у белгиланган майдон чегарасидан чиқмаслиги лозим. Агар рангни бўёқчининг ўғли тутиб олса, ўзи иштирокчилар сафидан жой олиб, ўйинбоши томонидан бирор ранг билан номланади. Қўлга тушган иштирокчи эса бўёқчининг қизи ёки ўғлига айланади. Ўйин шу тахлитда давом этади. Бу ўйинда ўйновчиларнинг хоҳиш-истагига қараб, ўқитувчи, шифокор, тикувчи, қурувчи каби бошқа касб-ҳунар номлари танланиб, иштирокчилар уларга хос бўлган атамалар билан номланиши мумкин.

Болбувиш момо таъкидлаганидек, бу каби ўйинлар фарзандларимизни чаққон, эпчил, зийрак, тезкор, кучли, ғайратли қилиб тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда, мазкур ўйинларнинг турли хатти-ҳаракатлар, қўшиқлар, шеър ва рақслар билан ижро этилиши болаларнинг ижодий қобилиятини чархлаб, тафаккури бойишига хизмат қилади. Қолаверса, уларнинг кенг майдонда, очиқ ҳавода ўтказилиши болаларнинг ижодий қобилиятидан келиб чиқиб, турли образли қаҳрамонларнинг яратилиши табиатга бўлган меҳрини кучайтириши, касб-ҳунарга қизиқишини орттириши шубҳасиз.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MIKROKREDITBANK

2014 йил 29 июлда

Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

халқаро кредит рейтингини

«БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Олхўри

**Тўқ, қизил, сариқ рангдаги хушхўр, нордон-ширин таъмли этдор мева таркибида 7,2 фоиз қанд, оз миқдорда бўлса-да оқсиллар, клетчатка, органик кислоталар, C, B, B6, E, PP витаминлари, каротин, биотин, флавоноидлар, антоцианидлар, пектин ва минерал моддалар мавжуд.**



Буюк аллома Ибн Сино олхўрининг шифобахш хусусиятларига қуйидагича таъриф берган: "Озиқалиги оздир. Таомдан олдин еийилса фойдали. Елими яраларни битиради. Сирка билан қўшилгани темираткини йўқотади. Елими кўзга тортилса, қувват беради. Кўкракдаги оғриқларни даф қилади". Халқ табобатида олхўри ёрдамида қабзият, атеросклероз, жигар, ўт пуфаги, иситма, ревматизм каби касалликлар даволанади. Олхўри калий тузларига бойлиги боис, организмдаги ортиқча сувларни ҳайдаш хусусиятига эга. Шу сабабдан, бу мева гипертония, буйрак касалликлари, подаграда ҳам бир мунча наф бериши мумкин. Олхўрини ҳўллигича ейиш, қоқи қилиш, мураббо тайёрлаб истеъмол қилиш ҳам бирдек фойдали. Бу мева иштаҳани очиб, овқат ҳазмини ҳам яхшилайди. Унинг қоқисидан тайёрланган компот ва дамламалар организмни зарарли ҳиддан тозалаб, қондаги холестерин миқдорини бироз бўлса-да камайтиради. Бундан ташқари, олхўри аритмия, камқонлик ва инсультга чалинган инсонларга куч-қувват бериши ҳам аниқланган.

БИЛАСИЗМИ?

Калимантан оролида жойлашган Бугу ғори дунёдаги энг катта ғор бўлиб, унинг катталиги 16 та футбол майдонига тенгдир.

* * *

Биринчи географик харита муаллифи, градус тўри билан ишлаган олим, юнон файласуфи Птоломей ҳисобланади.

ТУРФА ОЛАМ

## Видеокамерали қулоқчин

**SOUNDSIGHT (АҚШ) КОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИ МИНИ-ФИЛЬМЛАРНИ СУРАТГА ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ИЛК ҚУЛОҚЧИННИ КАШФ ЭТИШДИ.**



Мосламанинг махсус видеокамераси бўлиб, HD форматда истаганча видеоролик олиш имконини беради. Қулоқчинга қўл теккизсангиз бўлгани, унинг ўзи суратга олаверади. Унинг ичига ўрнатилган Bluetooth 4.0 модули ҳар қандай видеони смартфон тармоғи орқали узатиши мумкин. Камера 640x480 пиксел ўлчамда суратга олиш учун мўлжалланган. SoundSight Headphones фойдаланувчилари эътиборига мобил иловани ҳам ҳавола этмоқда. Илованинг фойдали томонларидан бири шуки, фойдаланувчи видеокамерали қулоқчин орқали олинган видеоматериални тузатиши, қайта ишлаши, махсус эффект ҳамда мусиқий композицияларни қўллаши мумкин.

## Ўхшатмасдан учратмас

**ИНГЛИЗ ОЛИМЛАРИНИНГ ҲИСОБЛАШИЧА, ЯҚИН ДЎСТЛАР ГЕНЕТИК ЖИҲАТДАН ЎХШАШ БЎЛАДИ.**



Мавзу доирасида ўтказилган тадқиқотлар чоғида мутахассислар юзлаб дўст ва бир-бирига мутлақо бегона инсонларнинг ген маркерларини солиштириб кўришган. Гарчанд, олимлар ягона "дўстлик гени"ни тополмаган бўлсалар-да, яқин дўстлар генида ўхшаш маркерлар мавжудлигини аниқлашган. — Мазкур ген тадқиқотлари чоғида шу нарсага амин бўлдикки, яқин дўстлар наинки ташқи кўринишдан, балки генларнинг эгизлиги билан ҳам бир-бирига ўхшаб кетаркан, - дейди тадқиқот муаллифларидан бири Николас Кристакис. Профессор Жеймс Фаулернинг таъкидлашича, яқин дўстларнинг гени у қадар ўхшаш эмас. Тахминан 1 фоиз ген маркерларидагина ана шундай ҳолат кузатилади. Бироқ, эволюцион назарияга кўра, бу кўрсаткич катта аҳамиятга эга бўлиб, яқин дўстлар ҳар томонлама бир-бирига ўхшашлигини исботлаб берган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмат ХУДОЁРОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона (факс) 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими 234-86-41, Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 827, Адади — 6332. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Шоҳида ДАМАНОВА
**Навбатчи:** Шаҳзод ҒАФФОРОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.20.
*ISSN 2010-7714*